**Боқий фикр**

*Дунёда нон деган шундай тенгсиз ва буюк бир бойлик, улуғ ва табаррук бир неъмат борки, унинг баҳоси, қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.*

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 14-iyul, shanba № 56 (8497)

## TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ERKIN VA OBOD VATAN!

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа бўлмиш 7 миллион 170 минг тонналик улкан ғалла хирмонини бунёд этиб, юксак меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёда нон деган шундай тенгсиз ва буюк бир бойлик, улуғ ва табаррук бир неъмат борки, унинг баҳоси, қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Азал-азалдан тўқчилик, аввало кўзнинг, кўнгилнинг тўқлиги, дастурхон тўкинлиги, рўзғорнинг кут-бараками буғдойнинг, ноннинг сероблиги билан белгилаб келинади, десак, ҳаётий ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ер юзидаги барча халқлар ва мамлакатлар ўзининг фаровонлиги, осойишта ва бехатар ҳаётини, эзгу орзу-ниятларини биринчи навбатда шу азиз неъмат тимсолида тасаввур қилиши бежиз эмас, албатта.

Муҳтарам юртдошлар!

Олижаноб, заҳматкаш деҳқонларимиз том маънода улкан зафарни қўлга киритган мана шундай хурсандчилик кунда, табиийки, ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эга бўлиш мақсадида босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлимизни яна бир бор беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, яқин ўтмишда ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш учун кимлардир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига донни четдан келтиришга мажбур эди.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам бериш, юртимизда пахта яккаҳокимлигига чек қўйиб, ғаллачилик тармоғини замонавий асосда ривожлантиришни ўз олдимизга устувор, ҳал қилувчи вазифа қилиб қўйдик.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ватанимиз ғалла мустақиллигини қўлга киритиб, нафақат ўттиз миллионли халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаш, айни пайтда четга дон экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олишга эришгани учун, шундай ёруғ кунларга етказгани учун барчамиз Яратганимизга шукроналар айтишимиз табиийдир.

Мустақиллик йилларида айнан ғаллачилик соҳасида эришган ютуқларимизни баъзи бир рақамлар мисолида ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, биз эришган натижалар дунёдаги манаман деган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортиши шубҳасиз, деб ўйлайман. Агарки 1991 йилда республикамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда жамғарилган ғалла хирмони 7 бараварга зиёд, ҳосилдорлик эса 3 карра ошганининг ўзи бизнинг қиёслаш ҳам қийин бўлган қандай юксак марраларга эришганимизни яққол тасдиқлайди.

Бугун кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлаётган ана шундай юксак марраларга қандай омил ва мезонлар ҳисобидан эришаётганимизни таҳлил қилар эканмиз, юртимизда яшайдиган, нон деган бебаҳо неъматдан ҳар куни баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон бу ҳақда хабардор бўлишини истардим.

Афсуски, биз кўпинча кундалик юмушлар билан банд бўлиб, қўлга киритган натижаларимизни худдики ўз-ўзидан бўлган табиий бир ҳол, деб қарашга ўрганиб қолганмиз.

Аслида эса бундай ютуқларимиз замирида аввало деҳқон ва фермерларимиз, механизаторларимизнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, селекционер ва олимларимизнинг билим ва тажрибаси, барча қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг неча йиллар давомида ягона бир мақсад йўлида қатъият ва сафарбарлик намунасини кўрсатиб қилган хизматлари, ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатлари мужассам бўлиб, бунинг учун уларга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди албатта.

Биргина селекция соҳасини оладиган бўлсак, янги ғалла навларини етиштириш, уларни юртимизнинг тупроқ, иқлим ва сув шароитига мослаштириш, турли касалликларга чидамлилик хусусиятларини ошириш учун қанча сабр-тоқат, қанча билим ва маҳорат, ўз ишининг натижасига қандай катта ишонч бўлиши керак.

Айни вақтда ғаллачиликда учрайдиган турли касалликлар – бу занг, қоракуя ёки хасва бўладими, чигиртка балоси ёки бошқа зараркунанда ҳашаротлар бўладими – барчасидан кечаю кундуз огоҳ бўлиб, уларга қарши ўз вақтида чора кўриш, ҳар туп кўчат атрофида парвона бўлиб, меҳр билан парвариш қилиш ҳисобидан мўл ҳосил етиштириш қанча-қанча меҳнат, куч-ғайрат талаб қилишини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

**Шу борада ғаллачилик соҳасида мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқлари ва халқимизнинг қадимий деҳқончилик маданияти асосида ўзига хос агротехника мактаби шаклланиб, бугунги кунда ўзининг юксак самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Барчамизга маълумки, бу йилги баҳорнинг серёғин келиши оқибатида намлик даражасининг меъёридан ортиқ бўлиши ғалла кўчатларининг чириб кетиш хавфини туғдирди. Бу хавфнинг олдини олиш мақсадида, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, **ғалла кўчатларини маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.** Бунинг учун жами 10 миллион 200 минг тонна маҳаллий ўғит тўпланиб, **ҳар гектар майдонга ўртача 9 тоннадан ўғит берилди. Натижада нисбатан қисқа муддат — уч ой мобайнида ғалланинг ривожини беш ойлик даражага етказиб олиш имкони туғилди.**

*(Давоми 2-бетда.)*

**Ҳеч шубҳасиз, 2004 йил 13 июль куни содир бўлган оламшумул воқеа халқимиз учун унутилмас бўлди. Бу санада иқтидорли гроссмейстеримиз Рустам Қосимжоновнинг халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини намойиш этиб жаҳон чемпиони бўлиши дунё аҳлини ҳайратга солди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Рустамнинг ғалабаси юқори баҳоланди. Чунки шоҳмот тожи учун мусобақаларда ҳали бундай кескин ва муросасиз кураш бўлмаганди.**

# ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ



Шоҳмотда ўзини ҳар доим курашларга чоғлаган кишигина юксак чўққига кўтарилган. Бундай қатъиятли кишилар шоҳмот тарихида кўп эмас. Ўз даврида шоҳмотда чақмоқдай порлаган Михаил Чигорин, Сало Флор, Паул Керес, Виктор Корчной ва яна қанчадан-қанча номдор гроссмейстерларга бундай юксак унвонга эришиш армон бўлиб қолган.

1886 йилдан буён жаҳон чемпионлиги учун мусобақалар ўтказиб келинаётган бўлса, шу давр мобайнида атиги 19 нафар шоҳмотчи жаҳон чемпиони деган юксак унвон билан шарафланган. Шоҳмот қиролларининг ўн еттинчиси ўзбек ўғлони Рустам Қосимжоновдир. Рустам ҳам бу унвонга эришиш учун салкам 20 йил тайёргарлик кўрди, мусобақаларда тобланди, қанча довонлардан ўтиб, олға интилди.

Бўладиган бола бошидан маълум, дейди халқимиз. Рустам болалигидан ўта қизиқувчанлиги билан ажралиб турарди. У ҳали мактабга бормасидан ўқиш-ёзишни ўрганиб олганди. Боғчага йўл оларкан, зерикиб қолсам, мисол-масалаларни ечарман деб Хуршид акасининг арифметика китобини олиб кетарди. Муҳими, йиллар ўтса ҳамки китоб ўқишга бўлган қизиқиши камаймади. У ўзбек, рус, инглиз, немис тилларида мутолаа қиларди.

Ҳа, тил билган эл билади, дунёни танийди. Рустамнинг кўп тилларни билиши шоҳмотдаги дадил парвозига замин ҳозирлади. Рустам катта қизиқиш билан шоҳмотни ўрганишга киришди. Ютқазса ҳам, қайта-қайта ўйнарди. 2-синфни тугатиши арафасида у ўқиётган мактабга шоҳмотга ихтисослаштирилган 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жойлаштирилди. Рустам биринчилардан бўлиб шоҳмот тўгарагига ёзилди. Болалар мураббийи Александр Грушевскийга Рустамнинг хотираси кучлилиги, меҳнатсеварлиги, интизоми ёқиб қолди. Ёзги таътил бошлангач, устози унга Н.Журавлёвнинг "Қадаммақадам" ("Шаг за шагом") китобини бериб, аниқ вазифаларни топширди. Кузда уй вазифасини Рустам аъло даражада бажарганини кўриб, устозининг меҳри товланди. Шоҳмот мактаби узоқроққа кўчганидан кейин устози Рустамни уйидан ўзи олиб кетиб, машғулотлар тугагач, ўзи олиб келиб қўярди. Рустам машғулотга қатнаша олмаса, устози у билан уйида алоҳида шуғулланарди. Бу ҳаракатлар самарасини берди, Рустам 11 ёшида ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди.

*(Давоми 15-бетда.)*

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**МИЛЛИЙ ТАРМОҚ** олий таълим муассасаларида янгиланишу ўзгаришларга йўл очаётир 3-бет

**ТОШКЕНТИМИЗ — ДУНЁДАГИ ЭНГ ОБОД ШАҲАРЛАРДАН БИРИ** 4-бет

**«БАХТУ САОДАТИМ ШУ ЮРТ, ШУ ЭЛ БИЛАН»** 11-бет

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ана шундай ва бошқа агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш туфайли барча вилоятларимиз, жумладан, намлик даражаси айниқса юқори бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этишга эришдилар.

Бу борада кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермер хўжаликларига берилаётган имтиёзли кредитлар, уларга минерал ўғит, сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш бўйича яратилган комплекс тизимнинг самарали ишлаётгани бугунги ғалабага пухта замин бўлганини таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаёт синовларида тобланган, тупроқ билан тиллашиб яшайдиган деҳқонларимизнинг азму шижоати, ишни тўғри ташкил этиши ҳисобидан ўртача ҳосилдорлик Андижон вилоятида 62,2 центнерга, Бухоро ва Фарғона вилоятларида 58 центнерга, Самарқанд вилоятида 55,4 центнерга, Қашқадарё вилоятида 55 центнерга, Тошкент вилоятида 54 центнерга етганини мамнуният билан қайд этамиз.

Бу кўрсаткич Олтинкўл, Пахтаобод, Избоскан, Вобкент, Пешку, Ғиждувон, Косон, Нишон, Касби, Учкўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Олтиариқ, Қува, Денов, Пискент, Оққўрғон, Дўстлик, Хатирчи, Боёвут тумanларида 60-68 центнердан юқори бўлгани айниқса таҳсинга муносибдир.

Пахтачи туманидаги "Хушанов даласи" ва Олтиариқ туманидаги "Сожида Жўраева" фермер хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 97 центнерга, Вобкент туманидаги "Янгикент жилоси" ва Иштихон туманидаги "Жаф" фермер хўжаликларида 87 центнерга, Олтинкўл туманидаги "Латифжон ери" ва Денов туманидаги "Мавлуда Исмоилова" фермер хўжаликларида 85 центнерга, Бухоро туманидаги "Аброр Ғайбулла" фермер хўжалигида 81 центнерга, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон Баҳодирхон" фермер хўжалигида 80 центнерга етгани деҳқончилигимиз тарихида илғари мутлақо учрамаган юксак кўрсаткич сифатида одамни ҳайратга солиши табиийдир.

**Энг асосийси, юртимизда етиштирилган жами ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 347 минг тоннаси фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларнинг омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далилидир.**

Табиийки, буларнинг барчаси далада ишлайдиган одамларнинг, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган, узоқни кўзлаб амалга ошираётган ишларимизнинг изчил давоми сифатида барчамизга мамнуният бағишлайди.

**Бугунги кунда фермер нафақат деҳқон, айни пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам механизатор, ҳам ташкилотчи сифатида ўзлигини намоён этаётгани,** фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳаётининг оғир юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқаётгани бизнинг бу соҳада ўз олдимизга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётганимиздан далолат беради.

**Фурсатдан фойдаланиб, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган фермерлик ҳаракати ривожини бугун замон талаб қилаётган янги босқичга кўтариш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи бундан буён ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлишини яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.**

Азиз дўстлар!

Бугунги шодиёна кунда сиз, заҳматкаш ғаллакорларни, бу улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшган механизатор ва комбайнчиларни, мутахассисларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман. Дала ишларини мана шундай ғайрат-шижоат билан давом эттириб, пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳалар бўйича ҳам юксак натижаларга эришиб, йилни ёруғ юз билан якунлайсиз, деб ишонаман.

**Фидокорона ва олижаноб меҳнатингиз учун, мардлик ва матонатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.**

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Хонадонларимиздан файзу барака, эл-юртимиздан тинчлик-осойишталик аримасин!

Азиз ва муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва фидойи халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Жорий йилнинг 4 июнида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унга кўра, театр, кино, телевидение, халқ ижодиёти йўналишларида юксак малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини ошириш мақсадида Тошкент давлат маданият институти ва Ўзбекистон давлат санъат институти негизида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ташкил этилди. Айни кунда мазкур олий таълим муассасасида ҳам абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш қизғин давом этмоқда.**

# ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРГА ТАЛАБГОРЛАР КЎП

*Abituriyent-2012*

— Халқ ижодиёти йўналишида таҳсил олиб, келажакда шу йўналишда фаолият юритиб, миллий санъатимиз анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшмоқчиман, — дейди Наманган маданият коллежи битирувчиси Жавлонбек Муҳиддинов. — Шу боис халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари йўналишига ўқишга ҳужжат топширдим. Қолаверса, устозларим Акбаржон Ғафуров, Равшан Мамадалиев ҳам қизиқишларим танлаган йўналишимга мослигини таъкидлашди.

— Мен чолғу жамоалари раҳбари йўналишида ўқиш истагидаман, — дейди абитуриентлардан бири Уйғун Раҳматов. — Қашқар рубоби чалиш бўйича етарли кўникмам бор. Ўтган йили озгина омад етмагани боис талаба бўлиш бахти насиб этмаган эди. Бу йил катта тайёргарлик билан келдим. Ишончим комилки, Қарши санъат коллежида олган билимим, кучли тайёргарлигим туфайли бу йил юқори натижаларни қайд этиб, талабалар сафидан жой оламан.

Абитуриентлар консультация ва имтиҳон саналари, янги йўналишларда ижодий имтиҳонлар қандай олиб борилиши, қай тартибда баҳоланиши, кириш тест синовларининг қайси фанлардан ўтказилишига доир саволлар билан мурожаат қилишаяпти.

— 2012-2013 ўқув йилига бакалавриат учун 8та таълим йўналиши, магистратурада 7та мутахассислик бўйича ҳужжатлар қабул қилинмоқда, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Нозим Қосимов. — Бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий ҳисобда қабул квоталари 297та этиб белгиланган бўлиб, жумладан, 96 нафар талаба давлат гранти, 201 нафар талаба тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалига 3та йўналиш — мусиқий театр режиссёрлиги, мусиқий театр актёрлиги, техноген санъат (кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги) бўйича 25 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган.

— Касб таълими: актёрлик, режиссёрлик, халқ ижодиёти, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш каби янги йўналишлар бўйича кенгроқ маълумот бериш талаб этилмоқда, — дейди масъул котиб ўринбосари Анвар Қурбонов. — Шу боис ҳужжат қабул қилинишидан олдин санъат ва маданият соҳасининг кўзга кўринган мутахассислари иштирокида абитуриентлар билан суҳбат олиб борилаяпти. Мулоқотларда ёшларга иқтидор ва қобилиятлари қайси йўналишга мос келиши тўғрисида ҳам маслаҳатлар берилаяпти.

Қабул комиссияси тақдим этган маълумотларга кўра, айни кунгача қабул қилинган ҳужжатлар сони 800дан ошиб кетган. Актёрлик санъатининг драматик театр ва кино актёрлиги, эстрада актёрлиги йўналишларига талабгорлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Шунингдек, драма театри ва кино актёрлиги, оммавий тадбирлар режиссёрлиги, кинооператорлик, маданиятшунослик, ижтимоий маданиятни ташкил этиш каби мутахассисликларни эгаллаб, миллий санъат ва маданиятимизни ривожлантиришда замонавий техника ва технологиялар уйғунлигини таъминлашни ният қилиб магистратурага ҳужжат топшираётган ёшларнинг ҳам ҳаяжони бакалавр бўлиш орзусидаги абитуриентларникидан кам эмас.

Айни кунда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ижодий имтиҳонлар бошлаб юборилди.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**


«Yagonasan, muqaddas Vatan!»

## «ҲУРЛИМАН» ҒОЛИБ

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами олдидан олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган ушбу танловда минтақавий босқичда ғолиб бўлган 11 жамоа иштирок этди. Ватанга муҳаббат, она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган куй-қўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш танловнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Кўрик-танловда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳурлиман» халқ ансамбли Т.Қаллиев сўзи, Ш.Пахратдинова, Қ.Заретдинов мусиқаси билан яратилган «Менинг азиз Ватаним — муқаддас Ватан» вокаль хореографик композициясини ижро этиб, 1-ўринни эгаллади.

— Ҳар йили ўтказиладиган кўрик-танловда бизнинг университет жамоаси фаол қатнашиб келмоқда. 2010 йили 1-ўринни, 2011 йили эса 2-ўринни эгаллаган бўлсак, бу йили яна 1-ўринни қўлга киритдик, — дейди университетнинг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Икром Жуманиязов. — Яна бир қувончли томони шундаки, республикамиз миқёсида ўтказиладиган турли байрамлар, кўрик-танловлардаги фаол иштироки инобатга олиниб, университетимиз вокаль жамоасига жорий йилнинг феврал ойида халқ ансамбли мақоми берилди.

**А.ПИРНИЯЗОВ**
**«Ma'rifat» мухбири**

# МИЛЛИЙ ТАРМОҚ

## *олий таълим муассасаларида янгиланишу ўзгаришларга йўл очаётир*

**Танлаган йўналишининг етук мутахассиси бўлиш ниятида таҳсил олаётган талаба бугун фаолиятимизни жадаллаштираётган ахборот-коммуникация технологияларидан ўз ўрнида фойдаланишни мукаммал ўзлаштириши керак. Чунки иқтисодиёт тармоқлари ривожи ва келажаги замонавий технологиялар тараққиёти ва у тақдим этаётган имкониятлар билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларимизга шу йўналишда пухта билим бериш, қолаверса, таълим самарадорлигини ошириш учун тизимга ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, деганларидек, компьютер ва мультимедиа воситалари сермазмун дарсларни ташкил этиш, мустақил машғулотларнинг самарадорлигини оширишда бир қатор енгилликлар яратаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Электрон ахборот таълим ресурслари, шунингдек, «ZiyoNET» тармоғига жойлаштирилган ресурслар сони ортиб бораётгани ҳам эътиборли. Кўрсаткичларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳар йили АКТ соҳасидаги илмий-амалий лойиҳалар доирасида 5тадан 10тагача турли хил веб-лойиҳалар, ахборот тизимлари ва порталлар яратилмоқда. Шу маънода, ўтган йили мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш имконини берувчи юқори тезлик ва сифатга эга "Электрон таълим" миллий тармоғининг ишга туширилгани айни муддао бўлди. 132,9 км оптик толали линиядан иборат тармоқдан фойдаланишга киришилганини ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш борасидаги навбатдаги катта қадам дея баҳолаш мумкин.**

Тараққиётнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган тармоқ 1 Гбит/с тезликда ишлайди. Унинг имкониятлари кўмагида аудио-видеоконференцалоқа орқали турли тадбирлар ўтказиш, уларни ёзиб олиш, хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан республика миқёсида интерфаол телекўприклар ташкил этиш, олий таълим муассасаларини интернет ва «ZiyoNET» тармоғига, шунингдек, бошқа муассасалар ва корхоналар корпоратив тармоқларига сифатли улаш мумкин. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида яратилган ахборот ресурслари ва веб-лойиҳалар — веб-сайтлар, порталлар, ижтимоий тармоқлар, виртуал лабораторияларни жойлаштириш ва улардан кенг фойдаланиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш масофавий курсларини ташкил этиш имкони мавжуд. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ўтган олти ой давомида мана шу имкониятлардан қандай фойдаланилди? Келгусида тармоқ функциялари ёрдамида олий таълимни ривожлантириш йўлида қандай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган?

— Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зиммасига ушбу тармоқдан самарали фойдаланиш, уни мазмунан ривожлантириш ва модернизация қилиш вазифаси юклатилган, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси бош мутахассиси Лазиз Қаршибоев. — Видеоконференция жиҳозларидан фойдаланиш, тадбирлар ўтказиш, тадбир иштирокчилари маданиятини шакллантириш бўйича тартиблар ишлаб чиқилди. Муҳими, барча олий таълим муассасаларига юқори сифатли видео-оқимни узатиш имкониятига эга зарур жиҳозлар ўрнатилди ва тегишли мутахассисларга ўқув курслари ташкил этилди.

Тармоқдан бир ёки кўп нуқтали видеоконференция алоқа воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Республика миқёсидаги анжуманлар, маънавий-маърифий, илмий-амалий тадбирлар, таниқли фан ва маданият арбобларининг маърузаларидан бир вақтнинг ўзида кўплаб талабаларни баҳраманд этиш кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга ҳисса қўшади. Таълим ва илмий изланиш жараёнларида офф-лайн трансляция, яъни олдиндан ёзиб олинган видео ва аудиовизуал материаллари намойиш этиш имконияти мавжудлиги тармоқ тақдим этаётган қулайликлардан яна биридир.

Ҳозирги кунда корпоратив тармоқдан тўлиқ фойдаланиш учун "Олий таълим муассасалари ахборот портали", "Ягона электрон ахборот-таълим муҳити", "Ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш" каби бир неча веб-лойиҳалар амалга оширилаяпти. Жумладан, миллий тармоқни мазмунан тўлдириш мақсадида "Олий таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот тизими" ва "Ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш" лойиҳалари доирасида "Ходимлар ҳисобини юритиш", "Талабалар ҳисобини юритиш", "Ўқув жараёни мониторинги" каби автоматлаштирилган ахборот тизимлари яратилди ва амалиётга жорий этилмоқда.



Ўтган давр мобайнида 50га яқин онлайн тадбир ўтказилди. "Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижро интизоми, маънавий-ахлоқий тарбия, таълим жараёни ва таълим тизимининг асосий вазифалари" мавзуидаги селектор йиғилиши, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий ёш иқтидорлар танлови, "Электрон таълим ва масофали ўқитишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари" мавзуидаги анжуман, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда "Республикадаги ахборот-кутубхона марказлари ҳамкорлиги ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти ҳуқуқий асосларини шакллантиришнинг долзарб масалалари" мавзуидаги тақдимот, шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган "Темпус" дастурида иштирок этувчи олий таълим муассасалари учун брифинг-тақдимот каби тадбирлар бунга мисол бўла олади. Муҳими, узоқ масофаларни яқин қилаётган тармоқ Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларини ўзаро боғламоқда. Масалан, "Узлуксиз инклюзив таълимни ривожлантиришда оиланинг роли" мавзуидаги халқаро видеоконференцияда нафақат Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари, балки Гулистон, Самарқанд, Қарши, Наманган ва Қорақалпоғистон давлат университетлари вакиллари ҳам иштирок этди.

— Ушбу тармоқ таълим жараёнини самарали ташкил этиш билан бирга, маълумотлар алмашинуви тезкорлигини таъминлайди, — дейди Лазиз Қаршибоев. — Миллий тармоқ ишга туширилгунга қадар ўртача 500 Мегабайт ҳажмли, яъни тахминан 90 минг бет Word форматидаги матн файлини интернет орқали юклаб олиш учун 2 соатдан 4 соатгача вақт талаб қилинар эди. Ҳозирги кунда шундай маълумотни корпоратив тармоқ орқали 2—5 дақиқа оралиғида, олдингига нисбатан ўртача 10 маротаба тез юклаб олиш имконияти яратилди.

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳанинг биринчи босқичида 80 объект тармоққа уланган эди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси бош мутахассиси Эркин Эшпўлатов. — Миллий электрон таълим тизимини қуриш режажадвалига мувофиқ, 2013 йил охирига қадар иккинчи босқич бўйича 84та, умумий 164та объект оптик-толали тармоққа уланиши ва фойдаланишга топширилиши белгиланган. Корпоратив ахборот алмашинуви тармоғидаги янгиликлардан яна бири, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида масофадан малака оширишнинг ташкилий ва меъёрий-услубий асослари ишлаб чиқилиб, тажриба-синов сифатида жорий этилаётганидир. Бунда умумий 144 соатлик малака оширишнинг 72 соати таълим ахборот портали орқали мустақил таълим, 72 соати масофавий машғулотлар шаклида олиб борилади. Масофавий машғулотлар http://opi.nuu.uz таълим ахборот портали орқали ўтказилиши кўзда тутилган.

Анъанавий ёки электрон таълим шаклидан қатъи назар, доим китоб билим манбаи, кутубхона зиё маскани бўлиб қолаверади. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида тармоқ доирасида олий таълим муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказларининг ягона "Электрон кутубхона" тизимини ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Келажакда ёшларнинг мустақил таълимни мазмунли олиб боришига хизмат қилувчи бундай саъй-ҳаракатлар узлуксизлиги таъминланади. Инчунин, 2012-2013 ўқув йили давомида республика олий таълим муассасаларида электрон кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида КАРМАТ — Корпоратив ахборот-ресурс марказлари автоматлаштирилган тизими жорий этилади.

— "Электрон таълим" миллий тармоғи таълимда қулайлик, тезкорлик ва самарадорлик деганидир, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректори Дилшод Эргашев. — Корпоратив тармоқ университетимизнинг таянч олий таълим муассасаси сифатида бошқа олий ўқув юртлари билан кенг миқёсда ҳамкорлик олиб боришида кўприк вазифасини ўтаяпти. Турдош олий таълим муассасалари билан электрон ўқув-услубий мажмуаларни яратиш тажрибаси алмашилмоқда, ягона баҳолаш мезонлари, ишчи ўқув режа ва ишчи фан дастурларини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, тармоқ факультетлараро ва кафедралараро ҳужжатлар алмашинувини тезлаштиришга хизмат қилаётир.

— Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва бошқа ўқув адабиётлари билан таъминлаш масаласи долзарблигини йўқотмаган, — дейди мазкур университетнинг ўқув-услубий бўлими бошлиғи Рауф Яркулов. — Янги ўқув дастурлари ҳамда ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш, жараёнга педагогик технологиялар, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш таълим сифатини яхшилайди. Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс маркази фонди 181 минг номдаги 957 121 нусха адабиётдан иборат бўлса, шундан 2084 дарслик, 2367 ўқув қўлланма, 579 ўқув-илмий адабиётнинг электрон варианти мавжуд. Тармоқ бой маърифат манбасидан бошқа олий таълим муассасаларида ҳам қийинчиликсиз фойдаланишга йўл очаётгани билан эътиборлидир.

Кўриниб турганидек, олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтлардан фойдаланиш кўлами ва йўналишлари ошиб бораётир. Миллий тармоқ тўлиқ ишга тушгач, ўқув-услубий мажмуалар алмашинуви, етакчи профессорлар томонидан онлайн тартибида маърузалар ўқиш ва олий таълим муассасалариаро тезкор ахборот алмашинувига янада кенгроқ йўл очилади. Сентябрь ойида барча олий таълим муассасаларида "Мустақиллик дарси" ва кўплаб маънавий тадбирлар юқори сифатли видео ва аудио шаклида ўтказилиши режалаштирилганининг ўзиёқ бизни олдинда улкан янгиланишу ўзгаришлар кутаётганидан далолатдир.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**




**Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб» меҳмонхонасида Осиё «Эртакчилик санъати» қўмитасининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир Корея Республикаси Маданият ва туризм ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида номоддий маданий мерос объектларини асраш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги тарихий обида ва замонавий иншоотларни томоша қилдилар. Таълим муассасалари ва зиё масканларида бўлиб, халқимизнинг бой маънавий мероси билан яқиндан танишдилар.

**Тошкентнинг Олмазор туманидаги Чиғатой-Оқтепа маҳалласида миллий қўғирчоқ томоша санъати фестивали ва миллий маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилди.**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу миллий қўғирчоқ томоша санъати фестивалининг асосий иштирокчилари болалар бўлди. Улар "Жайхун" қўғирчоқ театрининг "Афанди ҳангомалари" асарини катта қизиқиш билан томоша қилди.

– Фестиваль болаларимизнинг ёзги таътилини мароқли ўтказиш ва маданий-эстетик савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган муҳим тадбирлардан бири бўлди, – дейди Чиғатой-Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов. – "Оммавий маданият" иллатлари ёшлар онгига салбий таъсир ўтказишга уринаётган бугунги даврда бебаҳо миллий қадриятларимизни ёшлар орасида қанча кўп тарғиб қилсак, шунчалик яхши самараларга эришишимизга бугун яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

**Пойтахтимизнинг Маданият карвонсаройида япон усталари томонидан ўзбек миллий матолари — атлас ва адрасдан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилмоқда.**

Тадбир Япония халқаро алоқалар агентлиги ҳамда Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялари университети ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Ипак етиштириш билан шуғулланувчи фарғоналик фермерлар даромадини ошириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

31 июлгача давом этадиган кўргазмадан ўрин олган барча замонавий буюмлар Фарғона водийсида ишлаб чиқарилган ипак матолардан тайёрланганлиги билан аҳамиятлидир.

Японияда мазкур кўргазма олдидан ўтказилган махсус танловга тавсия этилган 289 та амалий иш орасидан энг яхшилари саралаб олинган. Бу Ўзбекистонда ташкил этилган кўргазмага япон усталари орасида қизиқиш катта эканлигидан далолат беради.

**Андижон машинасозлик институтида «Ёш авлодни ватанпарварлик ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда талаба-ёшларнинг давлат сиёсатини амалга оширишдаги ролини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида «Концепция — мамлакатимиз тараққиётининг кафолати» мавзусида тарғибот лойиҳаси амалга оширилаётгани хусусида йиғилганларга сўзлаб берди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

# Тошкентимиз — дунёдаги энг обод шаҳарлардан бири

**«Economist Intelligence Unit» аналитик компанияси ва «BuzzData» тадқиқот фирмасининг янги рейтингига кўра, Тошкент дунёдаги энг гўзал шаҳарлар қаторига киритилди.**

Мазкур компанияларнинг янги рейтинги натижаларига кўра, Тошкент дунёнинг 140 та энг кўркам ва обод шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади. Марказий Осиё бўйича бу рўйхатга киритилган ягона шаҳар дея эътироф этилди.

Энг яхши шаҳарлар рейтингининг биринчи ўнталиги Гонконг, Амстердам, Осака, Париж, Сидней, Стокгольм, Берлин, Торонто, Мюнхен ва Токиодан иборат бўлди.

Янги рейтингни аниқлашда шаҳарлар аҳолисининг турмуш тарзи, маданий ёдгорликлари, об-ҳавоси, халқаро алоқалари, зарарли чиқиндилардан холилиги, ободонлиги, кўкаламзорлаштирилганлиги, экологик талабларга жавоб бермайдиган шаҳарлар билан орасидаги масофа ва бошқа омилларга эътибор қаратилди.

**"Туркистон-пресс"**

# Танишув амалиёти таассуротлари

**Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг муҳандислик қурилиш инфраструктураси факультети талабалари учун ёзги танишув амалиёти ташкил этилди.**

Юртимизда ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши, мукаммал билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Таълим тизимидаги янгиланишлар туфайли ўқув муассасалари замонавий ахборот технологиялари, ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Айниқса, олий ўқув юртлари талабаларининг ҳам назарий, ҳам амалий билимларини бойитишга катта аҳамият қаратилаётир. Ўқув амалиётлари йирик корхона ва ташкилотларда, барча қулайликларга эга таълим муассасаларида олиб борилиб, ёшларнинг бугунги кун билан ҳамфикр, ҳамқадам бўлиши, замонавий техника ва технологиялар билан тиллаша олишига имконият яратилмоқда.

Талабалар амалиёт даврида пойтахтимиздаги «Маърифат маркази»даги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида, «Тошшаҳаргаз» ва «Тошиссиқлик-қувват» унитар корхоналарида ҳамда «Сувсоз» трестида бўлиб, қурилиш-муҳандислик лойиҳалари, миллий ва замонавий дизайн уйғунлиги, энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш бўйича амалий билимларини бойитдилар.

Иш жараёнида учраган нотаниш сўз ва иборалар, воситаларнинг номланишини кундалигига қайд қилиб қўйган талабаларнинг илк таассуротлари ҳақидаги фикрларини ўқиб, танишув амалиёти намунали ўтганига ишонч ҳосил қилдик.

**Нигора НАЖМИДДИНОВА,**
**институт ўқитувчиси,**
**амалиёт раҳбари**

# Ким соғлом, ким чаққон?

**Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Зилола" оромгоҳида "Ким соғлом, ким чаққон?" мусобақаси ўтказилди. Тадбирда ушбу оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 400 нафар ўқувчидан саралан- ган ўғил-қизлар иштирок этди.**

— Қатнашчиларни ёшига қараб гуруҳларга ажратдик ва мусобақани уч тоифа доирасида ташкил этдик, — дейди тарбиячи Ифтихор Сиддиқов. — Бола ўз тенгқури билан беллашса, улар орасида кимнинг кучлилиги адолат мезони асосида аниқланади.

Болалар бешта шарт бўйича беллашишди. Мусобақаларда кичкинтойлар чаққон, уддабурон эканликларини кўрсатишди.

**Ўктам АШУРОВ**

# Гувоҳномалар топширилди

**Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказидаги 52та тўгаракка 420 нафар ўқувчи жалб этилган.**

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга қизиқишларини ошириш ҳамда истеъдодларини ривожлантириш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, тажрибали тўгарак раҳбарлари ва ёш педагоглар ўртасида «устоз-шогирд» мактаби жорий қилингани машғулотлар самарадорлигини оширмоқда.

Яқинда марказда таълим олган ўқувчиларга гувоҳнома топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ўқувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари иштирок этдилар.

**М. РУСТАМОВА,**
**Ғузор туман «Баркамол авлод» болалар маркази услубчиси**





# Болалар учун мустақиллик туҳфаси

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Қўрғонтепа маҳалласида янги болалар майдончаси ишга туширилди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрамига болажонлар учун туҳфа сифатида барпо этилган майдончага турли кўнгилочар аттракционлар ўрнатилган.

Маҳалла аҳли бундай кўркам майдончалар республикамизнинг барча гўшаларида бунёд этилаётгани юртимизда бахтли болалик учун барча шароит яратилаётганининг яна бир намунаси эканини таъкидлашмоқда.

**Жобир АСҚАРОВ**

*Jarayon*

**Айни кунларда мамлакатимиздаги 9763 та умумтаълим мактабида янги ўқув йилига комплекс тайёргарлик ишлари давом этмоқда. 2012-2013 ўқув йилини кўтаринки кайфиятда кутиб олиш мақсадида қурилиш-тиклаш ишлари якунланиб, ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқув-лаборатория жиҳозлари фойдаланиш учун тайёр ҳолга келтирилмоқда. Бу борада 2011 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Академик лицей, касб-ҳунар коллеж ва умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш тўғрисида»ги қарор ижросига алоҳида аҳамият қаратилди. Қолаверса, янги ўқув йилига комплекс тайёргарлик жараёнида умумтаълим мактабларини сифатли ва сара адабиётлар, электрон дарслик ҳамда методик материаллар билан бойитишга эришилмоқда. Замонавий, муҳташам биноларда, қулай шароитга эга синфхоналарда таълим оладиган ўқувчининг ҳаваси шиддати ҳам ўзгача бўлади, албатта.**



# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАРАДДУД

— Ҳар бир ўқув йили ўзига хос янгиликлар билан кутиб олинади, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти Дилором Юсупова. —Ўқувчиларга чуқур билим бериш педагоглар учун биринчи галдаги вазифа саналади. Машғулотларда бошқарувчи эмас, кўмакчи бўлиш, дарс давомида, давра суҳбати ва очиқ мулоқотларда ўғил-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этишига имкон яратиш керак. Қолаверса, амалий дарслар орқали уларни қизиқишларига қараб касб-ҳунарга йўналтириш ҳам ўқитувчидан масъулият талаб қилади. Айни пайтда педагоглар ана шундай эзгу мақсадлар рўёби учун 22 та ўқув фани бўйича шахсий режа тузишмоқда.

«Мен ҳам шу мактабда ўқийман, ойижон» дея болаларча харҳаша қилаётган фарзандидаги иштиёқни кўриб Барно Иноятова хурсанд бўлди. Пойтахтимиздаги 64-умумтаълим мактабида унинг уч фарзанди таҳсил олган. Она бугун қизалоғи Ҳадичани ҳам ушбу мактабнинг 1-синфига бермоқчи.

2009 йили капитал таъмирланган таълим даргоҳининг ўзбек ва рус синфларига бу йил 127 нафар ўқувчи қабул қилинади. Ҳар йили бюджетдан ташқари топилган даромад ва ҳомийлар ҳисобидан жорий таъмирлаш, жиҳозларни янгилаш ишлари кўнгилдагидек амалга ошириб келинади. Яқинда мактабнинг махсус ҳисоб рақамидаги маблағ эвазига ўқув ва спорт зали, ошхона ҳамда синфхоналар қайта таъмирланди. Аниқ фанлар учун лаборатория анжомлари, электрон дарслик нусхалари, компьютер ва мультимедиа воситалари, шунингдек, янги ўқув йилини бошлаб берадиган илк сабоқ — Мустақиллик дарси учун ишланмалар ҳам тайёрланди. Мактабдаги рақс гуруҳининг байрамона либослари янгиланиб, ижарага бериладиган дарсликлар ҳолати такроран назорат қилинди.

— Янги мавсумни хушкайфиятда кутиб олиб, самарадор ва сермазмун ўтказишни ният қилганмиз, — дейди мактаб директори Машҳура Шоисаева. — Педагогик жамоамиз янги ўқув йилига сидқидилдан тараддуд кўрмоқда. Барча ўқув хонаси мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

Анъанавий ўтказиладиган «Энг намунали хона» кўрик-танловида дарс ишланмаларидан тортиб синфхонанинг саранжом-саришталигигача холисона баҳоланиб, ғолиблар рағбатлантирилади. Ўтган йили бошланғич таълим ўқитувчиси Ирина Кузнецованинг хонаси энг яхши деб топилган. Ўқув муассасамизнинг «Ёшлар боғи»да ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланганидек, мактаб ошхонаси санитария-гигиена талабларига мос тарзда жорий таъмирланди. Бундан ташқари, таянч ўқув режаси бўйича методика ва дарслар тақсимотига эътибор қаратилаяпти. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари моҳиятини фарзандларимизга янада чуқурроқ ўргатишни режалаштирдик. Хорижий тилларни пухта ўргатишда янги педтехнологиялар асосида ўқитишни мўлжаллаяпмиз. Хореография, волейбол, шахмат, таэквондо, рассомчилик, рақс ва вокал тўгараклари фаолиятини ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Мактабдаги спорт секцияларида қўшимча машғулотлар учун имкониятлар яратилди, теннис столи ва футбол майдони таъмирланди.

«Халқ таълими муассасаларини Мустақиллик байрами, янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтириш ойлиги» Наманган вилоятидаги умумтаълим мактабларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Жумладан, янги ўқув муассасаларини барпо этиш, жорий ва капитал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наманганлик ижодкор Камола Носирова таҳририятимизга йўллаган мактубида вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига алоҳида тўхталиб ўтган. Масалан, Наманган шаҳридаги 43-умумтаълим мактаби биноси ҳам тамоман янги қиёфа касб этди. Бундан нафақат ўқувчи ва ўқитувчилар, балки ота-оналар ва маҳалла-кўй ҳам хурсанд.

— Набирам таҳсил оладиган мактаб билан танишиб, дилим яйради, — дейди Анасхон Азизов. — Биз ўқиган кезларда мактаблар кўримсиз бўларди. Бугун ёш авлоднинг билим олиши учун яратилган шароитларни кўриб ҳавасим келади.

1600 ўринга мўлжалланган мактабнинг бино ҳамда спорт зали капитал таъмирланиб, электр ва иситиш тармоқлари янгиланганди. Ҳозир ўқув-методик ишлар бўйича тайёргарлик кўрилаётир. Шунингдек, тўгарак ва кўрик-танловлар ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилаяпти.

Айтиш жоизки, таълим ходимларини ҳали олдинда қатор семинар ва тренинглар кутмоқда. Август кенгашларида ҳам янги ўқув йилига тараддуд, ўқитувчиларнинг методик тайёргарлиги ва дарс жадвалини тўғри тузиш сингари масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилади. Ният холис — янги 2012-2013 ўқув йилини самарали бошлаб, таълим сифатини янада ошириш!

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ЁШ ЎҚИТУВЧИГА ИШОНЧ БИЛДИРИНГ

**Қушга учиш учун қанот керак. Инсоннинг камол топиши учун соғлом оилавий ва таълимий муҳит даркор. Ёш мутахассисга эса тўғри йўналтирадиган, маънавий ва амалий кўмак берадиган жонкуяр устоз ундан-да зарур.**

Таълим муассасамизда «Устоз-шогирд» анъанаси бўйича икки йўналишда иш олиб борилади. Биринчи йўналишда устозларимиз биз — ўрта авлод ўқитувчиларга, биз эса ёш ўқитувчиларга ҳам таълимий, ҳам руҳий ёрдам бериш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиламиз. Ҳар бир шогирд-ўқитувчининг иши комплекс ўрганилиб, фаолиятида оқсоқлик кузатилган педагогга тажрибали устоз бириктирилади. Шу тариқа мактабимизда «Устоз-шогирд» анъанаси яхши йўлга қўйилгани боис ёш педагоглар фаолиятида самарадорликка эришилмоқда. Улар дарс берган синфларда, ўқув йили охиридаги мониторинг натижаларига кўра, ўзлаштириш кўрсаткичи юқорилагани кузатилди. Кези келганда айтай, ўзим ҳам устозим, Андижон давлат университети фахрий ўқитувчиси Қобилжон Юнусовдан дарсни ташкил этиш, шогирдлар билан ишлаш ва дарс таҳлилини ўтказиш бўйича кўп нарсалар ўрганаман.

«Устоз-шогирд» анъанаси бўйича иккинчи йўналишда эса педагог кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларининг амалиётчи-талабалари билан мунтазам ишланади. Хусусан, ўзим устоз-ўқитувчи сифатида тумандаги 17, 27, 29-мактабнинг уч нафар ёш ўқитувчиси, Андижон давлат университети бошланғич таълим факультетининг беш нафар талабаси, Андижон шаҳар педагогика касб-ҳунар коллежининг уч нафар ўқувчиси билан биргаликда иш олиб бораяпман. Устоз-шогирдлик жараёнида ёш ўқитувчилар, бўлажак педагоглар замонавий педтехнологияларни пухта ўзлаштирганига гувоҳ бўлаяпман. Уларга дарс беришнинг самарали усулларини ўргатиш билан бирга, ўзим ҳам таълим янгиликларини ўрганаётганимни яширмайман.

*Tajriba*

Мактабимизнинг «Устоз-шогирд» бўйича тажрибалари вилоят миқёсида оммалаштирилди. Эътиборлиси, вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Андижон давлат университети, педагогика касб-ҳунар коллежи билан яхши ҳамкорлик йўлга қўйилгани натижасида сафимизга амалиёт билан назарияни уйғун ҳолда олиб борадиган янги авлод ўқитувчилари кириб келаяпти.

Яқинда ҳамкор таълим муассасалари талабалари ва мактабимизнинг ёш ўқитувчилари орасида «Очиқ дарслар фестивали» ўтказдик. Ҳар бир ёш педагог ва талабага тажрибали ўқитувчи бириктирилиб, зарур таълимий кўмак берилди. Қатнашчилар фан ва мавзуларни қуръа ташлаш йўли билан танлашди. Юқори малакали профессор-ўқитувчилар, тажриба-синов мактабларининг мутахассисларидан иборат ҳайъат аъзолари дарс материалларини таҳлил қилишди. Икки кун давом этган фестивалда АнДУнинг 4 нафар битирувчи талабаси, педагогика касб-ҳунар коллежининг 3 нафар ўқувчиси ва мактабимизнинг уч нафар ёш ўқитувчиси беллашди. Мактабда ишлаётган ўқитувчи билан ёнма-ён туриб дарсга тайёргарлик кўриш талабаларга ўзига ишонч ва ўзгача руҳ беради. Улар мактаб муҳити, синф ҳаяжонини педагогик фаолиятни бошламасданоқ ҳис қилиб, ўқувчиларга дарс бериш шарафини, машаққатини, масъулиятини чуқур англамоқда. Ана шундай бўлажак педагоглардан бири, АнДУнинг бошланғич таълим факультети талабаси Моҳинур Жўраеванинг 4-синф «Ўқиш» фанидан «Нон қаердан келади?» мавзусида тайёрлаган дарс ишланмаси ва кўргазмали қуроллари юқори баҳоланди. Педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Насиба Исоқованинг «Китобни асранг» мавзусидаги мужассам дарси электрон варианти ҳам анча мукаммал дея эътироф этилди. Бўлажак ўқитувчиларнинг «ZiyoNET» тармоғидан унумли фойдалангани ҳам алоҳида таъкидланди. Фестивал якунида мактабимизнинг ёш ўқитувчилари «Ижодкор», АнДУ талабалари «Билимдон», коллеж талабалари «Зукко» номинацияси ғолиби деб эълон қилинди.

Тадбир асносида ёш ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларнинг дарсга тайёргарлик кўриши, кўргазмали қуроллардан фойдаланиши, бир соатлик дарсни ташкил этиши бўйича кўзга ташланган камчиликлар юзасидан устозлар ўз вазифаларини белгилаб олишди. Уларни ўз сафимизга қабул қилишга мактабимиз ўқитувчилари ҳам, ҳайъат аъзолари ҳам бажонидил рози бўлишди. Педагогик жамоамиз ана шундай амалий танлов асосида юқори малакали, изланувчан, болажон ёш ўқитувчиларни саралаб олиш ҳисобига шакллантирилаётгани боис, вилоят миқёсидаги рейтинг кўрсаткичларимиз юқорилаб бораяпти.

«Устоз-шогирд» анъанасига ижодкорона ёндашувимиз, уч томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги тажрибамиз анъанавий август кенгашларида бошқа мактаблар томонидан ҳам ўрганилиши бизга янада масъулият юклайди.

**Шоҳида РОЗИҚОВА,**
**Андижон туманидаги**
**25-мактабнинг**
**бошланғич синф ўқитувчиси**

# ОЧИҚ МАЙДОНЧАЛАРДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

## *болаларни ҳар томонлама ривожлантиради*

**2-3 ёшли болалар ота-она бағрида эркин, мустақил бўлиб ўсгани боис, боғчага мослашиши ва тенгдошлари билан тил топишиши қийин кечади. Муассасада яратилган кенг кўламли шарт-шароитлар, тарбиячиларнинг хуш муомаласи кичкинтойларни боғчага ипсиз боғлаши табиий. Айниқса, очиқ ҳавода ташкил этилган майдончалар уларнинг тафаккур оламини бойитиши билан бирга, жисмонан чиниқиши, ҳар томонлама соғлом бўлишида муҳим омил саналади. Ҳамза туманидаги 203-мактабгача таълим муассасасида "Табассум", "Кичкинтой", "Мойчечак", "Қалдирғоч", "Қўнғироқча", "Эртаклар шаҳарчаси" ва "Камалак" майдончалари ўзига хос дизайнда яратилган.**

— Ҳар куни эрталаб қизимни боғчага олиб келарканман, мўъжазгина майдончада ўйнаётган болажонларни кўриб, меҳрим товланади, — дейди кичик гуруҳ тарбияланувчиси Шоҳиданинг онаси Фарида Бозорова. — Ундаги спорт ва ўйин жиҳозлари жуда қулай жойлаштирилган. Жажжи ўғил-қизлар мазза қилиб ўйнаб, шу орқали ҳаётий кўникма ва дунёқараши шаклланади.

Усти очиқ айвончалар, арғимчоқлар болажонларнинг яхши дам олишини таъминласа, ёрқин бўёқларда акс эттирилган эртак қаҳрамонлари маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилади. Дарахтлар шохига илинган махсус қуш уялари, майдончалар атрофидаги ўтлоқзору ям-яшил гулзор болаларни наботот олами билан яқиндан таништириш, экологик билимларини оширишда муҳим ўринга эга.

Боғча психологи Шаҳноза Пўлатовадан очиқ майдондаги машғулотларнинг болаларга қандай таъсир этиши ҳақида сўрадик.

— Инсон танаси, хусусан, асаб тизимининг меъёрлашуви, майда қон томирчаларининг ривожланиши ва жисмонан чиниқиши оёқдан борадиган иссиқликка кўп жиҳатдан боғлиқ, — дейди у. — Бу бир томондан ясси оёқликнинг олдини олса, иккинчи томондан ёзда табиат қўйнида оёқяланг юрган бола қишда турли касаллик, грипп ва шамоллашдан холи бўлади. Муассасамиздаги майдончалар бурчагига қум тўкилган бўлиб, кичкинтойлар иссиқ қумда юриб, уни сув билан қориб, турли шакллар ясашади. Қумда ишлаш боланинг майда мускулларини шакллантирибгина қолмай, чиройли ҳуснихатга ҳам тайёрлаб боради.

Болалар майдончасидаги "Эртаклар шаҳарчаси" бўлими, айниқса, ўзига хослиги, ранг-баранглиги ва қизиқарлилиги билан ажралиб турибди. Бу ерда болалар "Зумрад ва Қиммат", "Ур тўқмоқ", "Уч оғайни ботирлар", "Қайнар хумча" каби миллий эртаклар мазмунидан воқиф бўлиб, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида дастлабки тасаввурларини шакллантиради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бола беш ёшгача ён-атрофдаги оламга, дунёни билишга астойдил қизиқади. Шу боис бу даврда кичкинтойларга турли ўйинлар ва кўзгазмали воситалар орқали теварак оламни ўргатиб бориш лозим.

— Ҳар йили ёзги мавсумда болаларни жисмонан чиниқтириш, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан таништириш, табиатни асраб-авайлашга ўргатиш мақсадида очиқ майдончаларда махсус машғулотлар, спорт мусобақалари, акция ва турнирлар ўтказамиз, — дейди тарбиячи Шоҳиста Абдужабборова. —Қувноқ эстафета, миллий халқ ўйинлари, асфальтга расм чизиш каби машғулотлар ҳам олиб борилади. Айниқса, саратоннинг иссиғида сузиш ҳавзасида яйраб чўмилганга нима етсин. Қуёш ваннаси ва бассейн болажонларнинг энг севимли жойи.

Ушбу мактабгача таълим муассасаси 2008 йили "Обод боғчам — кўркам боғчам" танловида иккинчи ҳамда 2010 йили "Йилнинг энг обод маскани" кўригининг шаҳар босқичида биринчи ўринга муносиб топилди.

— Ҳар бир бола кичик тадқиқотчи, — дейди мудира Меҳри Мадаминова. — Ширинтойларнинг қандайдир кўз илғамас қобилияти, истеъдоди бўлади. Тарбиячи боланинг ўзига хос иқтидорини тезда пайқаб, уни ривожлантириши лозим. Боғчамиздаги ўйингоҳларда кичкинтойлар тоза ҳавода эркин нафас олиш билан бирга, қизиқишларига қараб маълум бир машғулот турларига йўналтирилади.





Бу хусусда Юнусобод туманидаги 206-мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси раҳбари Валида Маҳаммедова шундай деди:

— Ҳар бир боланинг ўзига хос ривожланиш даражаси бўлади, тарбиячининг вазифаси шу жараёнга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, шахснинг ривожланишига шароит яратишдан иборат. Замонавий боғча бола тенгдошлари ва катталар билан эркин мулоқот қила оладиган жой бўлиши лозим. Педагогик муҳит болаларнинг ёш имкониятларидан келиб чиқиб яратилади, кун давомида ўзи учун қизиқарли машғулот, овунадиган юмуш топа олишига ёрдам беради. Таълимий материал ва машғулотлар, ўйин тарбиячининг эртак ва бадиий адабиётлар ўқиб бериши боланинг ақлий ривожланишини таъминлайди. Айниқса, майдончалардаги қизиқарли эртак қаҳрамонларию турли шакллар, қўл меҳнати билан яратилган буюмлар болажонларда кўплаб саволлар туғдириши табиий. Бундай пайтда тарбиячи майдончадаги барча элементар шакллар хусусияти, ўтаётган машғулотининг моҳиятини батафсил тушунтириб бериши шарт.

Очиқ ҳавода ўтилаётган қизиқарли ўйинлар болани сенсор текширув, таққослаш, таҳлил асосида борлиқни ҳис этишга ўргатади, ўйин ва мулоқот қилиш малакасини оширади. Соғломлаштириш майдончалари эса кичкинтойларнинг мустақил жисмоний ривожланишини таъминлаш билан бирга, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш кўникмасини ҳам шакллантиради.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**халқ таълими аълочиси**

# ТЕНГДОШИГА ТЕНГЛАШАЁТГАН БОЛА

*Inklyuziv ta'lim*

Жиззах шаҳридаги 26-мактабгача таълим муассасасида 8 нафар имконияти чекланган бола 145 нафар соғлом ўғил-қиз билан бирга тарбияланади. Кичкинтойлардаги камчиликлар асосан ҳаёт давомида орттирилган. Айримларида жисмоний, аксариятида нутқий нуқсон кўзга ташланади. Инклюзив таълим асносида нуқсонларни босқичма-босқич тугатишга қаратилган ҳаракатли машқлар бажарилади. Масалан, болалар оммавий равишда бир қўлни ҳаракатга келтириш машқини бажаришади. Ўз-ўзидан аёнки, имконияти чекланган бола ҳам бу машқни такрорлашга интилади. Ёки тиззаси яхши букилмайдиган қизча ўзидаги жисмоний камчиликни унутиб, тик турган ҳолда ўйнаётган тенгдошлари билан тенгма-тенг ҳаракат қилишга уринади. Инклюзив таълимнинг асосий мақсади ҳам икки орадаги фарқни йўқотишдан иборатдир. Шу орқали нуқсони бор болалар ўзини эркин тутиб, кундан-кунга фаоллашиб боради.

Нутқий имконияти чекланган болалардаги камчиликларни тугатиш мақсадида тарбияланувчилар билан яккама-якка, алоҳида машғулотлар ўтказилади. Натижада, кичкинтойлар нутқидаги нуқсонлар бартараф этилиб, сўзлашуви равонлашмоқда. Бу борада Меҳринисо Бегимқулова, Сурайё Маликова каби тарбиячилар, логопед-психолог Дилдора Қўйчиеванинг хизмати катта.

— Машғулотларимизнинг асосини бола шахсига йўналтирилган таълим ташкил этади. Бунинг учун бизда шарт-шароитлар етарли. Тарбиячиларимиз эса зарур методик қўлланмалар билан таъминланган, — дейди боғча мудираси Тамара Аралова.

Бола шахсига йўналтирилган таълимнинг ўзига хослиги шундаки, кичкинтойларга машғулотлар жараёнида катта эркинлик берилади. Тарбиячилар эса кўпроқ кузатувчи бўлиб туради. Болалар «Нима оғир, нима енгил?» мавзусида ўйин ўтказар экан, копток сувда чўкмаслигини, тошнинг сув тубига тушиб кетишини тушуниб, ўз ҳаракатлари билан мустақил равишда бажарадилар. Машғулотлар давомида ҳосил бўлган тасаввурини эркин ифода эта оладилар. Имконияти чекланган болалар бу борада ҳам тенгдошларидан ортда қолмаётгани қувонарлидир.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Ta'lim muassasalarida*

**Бир танишим қизини қайси боғчага беришни билолмаётганини айтиб, мендан маслаҳат сўради. Ўғлим Наманган шаҳридаги 26-«Мойчечак» мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётгани учун унга шу боғчани тавсия этдим.**

# «МОЙЧЕЧАК»НИНГ ОҲАНРАБОСИ

МТМда 140 нафар кичкинтойга «Болажон» дастури бўйича таълим-тарбия берилади. Тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган ўғил-қизларнинг саломатлиги шифокор назоратида. Ётоқхоналарнинг барчаси замонавий таъмирланиб, жиҳозланган. Психолог Мўътабар Қодирова болалар билан тез-тез суҳбатлашиб, уларнинг ҳар томонлама соғлом улғайишида ҳамкасблари ва ота-оналарга яқин маслаҳатгўй бўлиб келмоқда. Услубчи Саодат Шамсиддинова эса тарбиячилар билан янги педагогик технологияларни ўзлаштириш, фаолиятида қўллаш юзасидан мунтазам иш олиб боради.

— Тарбияланувчиларнинг соғлиғи доимий эътиборимизда, — дейди муассаса шифокори Саида Турсунова. — Мутахассис шифокорлар муассасамизга келиб, болаларимизни тиббий кўрикдан ўтказишди. Камқонлик, ясси товонлик каби касалликлар учраган болаларни соғломлаштириш борасида зарур тавсиялар берилди.

МТМдаги ёзги айвонлар, йўлаклар, болалар ўйингоҳи, сув ҳавзалари соз ҳолга келтирилган. «Қум байрами», «Боғча боғига сайр», «Китоб — бизнинг дўстимиз», «Эртаклар яхшиликка етаклар», «Соғ танда — соғлом ақл», «Тозалик куни» каби тадбирларда болажонлар зарур билимга эга бўлмоқда.

«Мойчечак»даги шароитлардан кўнгли тўлган танишим фарзандини шу боғчага беришга қарор қилди.

**Камола НОСИРОВА**

Наманган

# Adabiyot fani chuqurlashtirib o‘qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta’lim muassasalarining tayanch o‘quv rejasi (5—9-sinf)

| | O‘quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili | 4 | 4 | 5 | 5 | 6 | 5 | 3 | 3 | 2 | 37 | 1258 |
| | Adabiyot/o‘qish | 4 | 4 | 5 | 5 | | | | | | 18 | 612 |
| 2 | O‘zbek tili/rus tili | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 | 544 |
| 3 | Xorijiy til | | | | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 | 510 |
| 4 | Tarix | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 | 442 |
| 5 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 7 | Matematika | 5 | 5 | 5 | 5 | 4,5* | 4,5* | 4,5* | 5 | 5 | 43,5 | 1479 |
| 8 | Informatika | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 102 |
| 9 | Fizika | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 | 272 |
| 10 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 11 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 2 | 1,5* | 2 | 8,5 | 289 |
| 12 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1,5* | 1,5* | 2 | 12 | 408 |
| 13 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg‘usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g‘oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 14 | Musiqa madaniyati | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 15 | Tasviriy san’at | 1 | 1 | 1 | 1 | 0,5* | 0,5* | 1 | | | 6 | 204 |
| 16 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 0,5* | 1 | 34 |
| 17 | Mehnat ta’limi | 1 | 1 | 1 | 1 | 1* | 1* | 1* | 0,5* | 0,5* | 8 | 272 |
| 18 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | **Ixtisoslik fani** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Adabiyot | | | | | 4 | 3 | 3 | 3 | 4 | 17 | |
| 2 | Ifodali o‘qish | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | |
| 3 | Notiqlik san’ati | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | |
| | Jami: | | | | | 5 | 4 | 4 | 4 | 5 | 22 | 748 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg‘ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

## Tushuntirish xati

Ushbu o‘quv reja O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O‘zbekiston Respublikasida umumiy o‘rta ta’limni tashkil etish to‘g‘risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limiga izchil o‘tishni ta’minlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta’limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o‘qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta’lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog‘liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me’yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o‘quv reja bilan bog‘liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o‘quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me’yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O‘quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Adabiyot fanining nazariy asoslarini chuqur o‘rganish va amalda qo‘llay olishni o‘rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta’lim muassasalari va adabiyot fani chuqur o‘qitiladigan sinflar uchun mazkur o‘quv rejada davlat ixtiyoridagi soatlardan:

5-, 6-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, tasviriy san’at fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar adabiyot faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o‘qitiladigan sinflar uchun qo‘shib berildi.

Ushbu o‘quv reja Xalq ta’limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o‘rta ta’lim maktablari uchun 2012-2013-o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 160-sonli buyrug‘i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:** jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo‘shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

# Rus tili fani chuqurlashtirib o‘qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta’lim muassasalarining tayanch o‘quv rejasi (2—9-sinf)

## Tushuntirish xati

Ushbu o‘quv reja O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O‘zbekiston Respublikasida umumiy o‘rta ta’limni tashkil etish to‘g‘risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limiga izchil o‘tishni ta’minlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta’limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o‘qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta’lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog‘liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me’yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o‘quv reja bilan bog‘liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o‘quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me’yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O‘quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Rus tili fanining nazariy asoslarini chuqur o‘rganish va amalda qo‘llay olishni o‘rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta’lim muassasalari va rus tili fani chuqur o‘qitiladigan sinflar uchun mazkur o‘quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinflar uchun ona tili fanidan 1 soat, musiqa fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 0,5 soat olindi;

5-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, musiqa fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 1 soat olindi;

6-, 7-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 0,5 soatdan olindi;

9-sinflar uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta’limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

5-, 6-, 7-, 8-, 9-sinflarning o‘quv dasturida 5 soat (umumiy 170 soat) hajmida mavzular berilgan. Ushbu o‘quv rejada esa 4 soat ajratilgan, o‘qituvchi mavzuiy reja tuzishda sodda mavzular soatini murakkab mavzularga ajratish asosida hamda og‘zaki suhbat darslarini tashkil etish orqali o‘quv dastur mazmuni mustahkamlanadi.

Rus tili fani ixtisosligiga yo‘naltirilgan sinflarda o‘quvchilarni ikki guruhga bo‘lib o‘qitish mumkin. Sinflarning guruhlarga bo‘lib o‘qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o‘quv reja Xalq ta’limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o‘rta ta’lim maktablari uchun 2012-2013-o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 160-sonli buyrug‘i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:** jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo‘shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

| | O‘quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili/ adabiyot | 8 | 7* | 9* | 9* | 8,5* | 7 | 5 | 5 | 5 | 63,5 | 2159 |
| 2 | Xorijiy til | | | | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 | 510 |
| 3 | Tarix | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 | 442 |
| 4 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 5 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Matematika | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 4,5* | 4,5* | 4,5* | 5 | 43,5 | 1479 |
| 7 | Informatika | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 102 |
| 8 | Fizika | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 | 272 |
| 9 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 10 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | 306 |
| 11 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1,5* | 1,5* | 1,5* | 2 | 11,5 | 391 |
| 12 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg'usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g'oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 13 | Musiqa madaniyati | 1 | 0,5* | 0,5* | 0,5* | 0,5* | 1 | 1 | | | 5 | 170 |
| 14 | Tasviriy san'at | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 15 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 0,5* | 1 | 34 |
| 16 | Mehnat ta'limi | 1 | 0,5* | 0,5* | 0,5* | 1* | 1* | 1* | 0,5* | 0,5* | 6,5 | 221 |
| 17 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | **Ixtisoslik fani** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Rus tili | | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 32 | 1088 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg'ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

## Xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—9-sinf)

| | O'quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili/adabiyot | 8 | 7* | 9* | 9* | 8,5* | 6,5* | 5 | 5 | 5 | 63 | 2142 |
| 2 | O'zbek tili/rus tili | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 | 544 |
| 3 | Tarix | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 | 442 |
| 4 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 5 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Matematika | 5 | 4,5* | 4,5* | 4,5* | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 43,5 | 1479 |
| 7 | Informatika | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 102 |
| 8 | Fizika | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 | 272 |
| 9 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 10 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 1,5* | 1,5* | 2 | 8 | 272 |
| 11 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1,5* | 1,5* | 2 | 12 | 408 |
| 12 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg'usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g'oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 13 | Musiqa madaniyati | 1 | 0,5* | 0,5* | 0,5* | 1 | 1 | 1 | | | 5,5 | 187 |
| 14 | Tasviriy san'at | 1 | 1 | 1 | 1 | 0,5* | 0,5* | 1 | | | 6 | 204 |
| 15 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 0,5* | 1 | 34 |
| 16 | Mehnat ta'limi | 1 | 1 | 1 | 1 | 1* | 1* | 1* | 0,5* | 0,5* | 8 | 272 |
| 17 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | **Ixtisoslik fani** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) til | | 2 | 2 | 2 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 31 | 1054 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg'ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

### Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillarning nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarida xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinflar uchun ona tili fanidan 1 soat, matematika fanidan 0,5 soat, musiqa fanidan 0,5 soatdan olindi;

5-, 6-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinflar uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillarga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar ixtisosligiga yo'naltirilgan sinflarda o'quvchilarni ikki guruhga bo'lib o'qitish mumkin. Sinflarning guruhlarga bo'lib o'qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:** jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

## Matematika fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (5—9-sinf)

### Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Matematika fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktablarida fizika fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

5-, 6-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinflar uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar matematika faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:** jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

| | O'quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili/adabiyot | 8 | 8 | 10 | 10 | 8,5* | 6,5* | 5 | 5 | 4,5* | 65,5 | 2227 |
| 2 | O'zbek tili/rus tili | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 | 544 |
| 3 | Xorijiy til | | | | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 | 510 |
| 4 | Tarix | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 | 442 |
| 5 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 7 | Matematika | 5 | 5 | 5 | 5 | | | | | | 20 | 680 |
| 8 | Informatika | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 102 |
| 9 | Fizika | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 | 272 |
| 10 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 11 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 1,5* | 1,5* | 2 | 8 | 272 |
| 12 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1,5* | 1,5* | 2 | 12 | 408 |
| 13 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg'usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g'oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 14 | Musiqa madaniyati | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 15 | Tasviriy san'at | 1 | 1 | 1 | 1 | 0,5* | 0,5* | 1 | | | 6 | 204 |
| 16 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 0,5* | 1 | 34 |
| 17 | Mehnat ta'limi | 1 | 1 | 1 | 1 | 1* | 1* | 1* | 0,5* | 1 | 8,5 | 289 |
| 18 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | **Ixtisoslik fani** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Matematika | | | | | 7 | 7 | | | | 14 | |
| 2 | Geometriya | | | | | | | 3 | 3 | 3 | 9 | |
| 3 | Algebra | | | | | | | 4 | 4 | 4 | 12 | |
| | Jami: | | | | | 7 | 7 | 7 | 7 | 7 | 35 | 1190 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg'ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

# Fizika fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (5—9-sinf)

| | O'quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili/adabiyot | 8 | 8 | 10 | 10 | 8* | 7 | 5 | 5 | 4,5* | 65,5 | 2227 |
| 2 | O'zbek tili/rus tili | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 | 544 |
| 3 | Xorijiy til | | | | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 | 510 |
| 4 | Tarix | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 | 442 |
| 5 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 7 | Matematika | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 4,5* | 4,5* | 4,5* | 5 | 43,5 | 1479 |
| 8 | Informatika | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 102 |
| 9 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 10 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | 306 |
| 11 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1,5* | 1,5* | 1,5* | 2 | 11,5 | 391 |
| 12 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg'usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g'oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 13 | Musiqa madaniyati | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 14 | Tasviriy san'at | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 15 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 0,5* | 1 | 34 |
| 16 | Mehnat ta'limi | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1* | 1* | 0,5* | 1 | 9,5 | 323 |
| 17 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | **Ixtisoslik fani** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Fizika | | | | | 1 | 3,5 | 3,5 | 3,5 | 3,5 | 15 | |
| 2 | Amaliy mashg'ulot (Amaliy fizika) | | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 2 | |
| | Jami | | | | | 1 | 4 | 4 | 4 | 4 | 17 | 578 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 35,5 | 36 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg'ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

## Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Fizika fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarida fizika fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

5-sinflar uchun ona tili fanidan 1 soat olindi;

6-7-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun matematika 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar fizika faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Fizika fani ixtisosligiga yo'naltirilgan sinflarda o'quvchilarni ikki guruhga bo'lib o'qitish mumkin. Sinflarning guruhlarga bo'lib o'qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:*** *jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

# Informatika fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (5—9-sinf)

## Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Informatika fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarida informatika fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

5-, 6-sinflar uchun mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinflar uchun mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat va maktab ixtiyoridan olingan soatlar informatika faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:*** *jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

| | O'quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili/adabiyot | 8 | 8 | 10 | 10 | 9 | 7 | 5 | 5 | 5 | 67 | 2278 |
| 2 | O'zbek tili/rus tili | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 | 544 |
| 3 | Xorijiy til | | | | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 | 510 |
| 4 | Tarix | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 | 442 |
| 5 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 7 | Matematika | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 45 | 1530 |
| 8 | Fizika | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 | 272 |
| 9 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 10 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | 306 |
| 11 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 13 | 442 |
| 12 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg'usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g'oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 13 | Musiqa madaniyati | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 14 | Tasviriy san'at | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 15 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 1 | 1,5 | 51 |
| 16 | Mehnat ta'limi | 1 | 1 | 1 | 1 | 1* | 1* | 1* | 0,5* | 1 | 8,5 | 289 |
| 17 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | **Ixtisoslik fani** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Informatika | | | | | 1 | 1 | 1 | 2 | 3 | 8 | 272 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg'ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

## Tarix fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—9-sinf)

| | O'quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili/adabiyot | 8 | 8 | 10 | 10 | 9 | 7 | 5 | 5 | 5 | 67 | 2278 |
| 2 | O'zbek tili/rus tili | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 | 544 |
| 3 | Xorijiy til | | | | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 | 510 |
| 4 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 5 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Matematika | 5 | 4,5* | 4,5* | 4,5* | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 43,5 | 1479 |
| 7 | Informatika | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 102 |
| 8 | Fizika | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 | 272 |
| 9 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 10 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | 306 |
| 11 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 13 | 442 |
| 12 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg'usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g'oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 13 | Musiqa madaniyati | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 14 | Tasviriy san'at | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 15 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 1 | 1,5 | 51 |
| 16 | Mehnat ta'limi | 1 | 1 | 1 | 1 | 1* | 1* | 1* | 0,5* | 1 | 8,5 | 289 |
| 17 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | Ixtisoslik fani | | | | | | | | | | | |
| 1 | Tarixdan hikoyalar | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | | | | 1,5 | |
| 2 | O'zbekiston tarixi | | | | | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2 | 9 | |
| 3 | Jahon tarixi | | | | | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2 | 9 | |
| | Jami: | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 3 | 3 | 4 | 4 | 4 | 19,5 | 663 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg'ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

### Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risidagi» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkàmasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

O'quv reja tarix faniga ixtisoslashtirilgan va fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan maktablarda tarix o'quv fani 2-, 3-, 4-sinflarda 17 soat, 5, 6-sinflarda «O'zbekiston tarixi»ga 51 soatdan haftasiga 1,5 soat, «Jahon tarixi»ga ham 51 soatdan haftasiga 1,5 soat, 7, 8, 9-sinflarda «O'zbekiston tarixi»ga 68 soatdan haftasiga 2 soat, «Jahon tarixi»ga ham 68 soatdan haftasiga 2 soat ajratilgan bo'lib, jami 663 soat o'qitiladi.

Ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va tarix fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat olindi;

5-, 6-, 7-sinflar uchun mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat va maktab ixtiyoridan olingan soatlar informatika faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:*** *jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

## Iqtisod fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—9-sinf)

### Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risidagi» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yorlari» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va rus tili fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinflar uchun ona tili fanidan 1 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

5-, 6-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat va maktab ixtiyoridan olingan soatlar iqtisod faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

***Izoh:*** *jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.*

| | O'quv fanlari | Sinflar | | | | | | | | | Haftalik umumiy soat | Jami yillik soatlar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | | |
| | Davlat ixtiyoridagi soatlar | 20 | 22 | 24 | 24 | 30 | 32 | 33 | 34 | 35 | 254 | 8636 |
| 1 | Ona tili/adabiyot | 8 | 7* | 9* | 9* | 8,5* | 6,5* | 5 | 5 | 5 | 63 | 2142 |
| 2 | O'zbek tili/rus tili | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 | 544 |
| 3 | Xorijiy til | | | | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 | 510 |
| 4 | Tarix | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 | 442 |
| 5 | Davlat va huquq asoslari | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 68 |
| 6 | Matematika | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 4,5* | 4,5* | 5 | 44 | 1496 |
| 7 | Informatika | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 102 |
| 8 | Fizika | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 | 272 |
| 9 | Kimyo | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 | 204 |
| 10 | Biologiya | | | | | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | 306 |
| 11 | Tabiiyot va geografiya | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1,5* | 1,5* | 2 | 12 | 408 |
| 12 | Odobnoma | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 | 136 |
| | Vatan tuyg'usi | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 68 |
| | Milliy istiqlol g'oyasi | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 102 |
| 13 | Musiqa madaniyati | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 | 238 |
| 14 | Tasviriy san'at | 1 | 1 | 1 | 1 | 0,5* | 0,5* | 1 | | | 6 | 204 |
| 15 | Chizmachilik | | | | | | | | 0,5* | 0,5* | 1 | 34 |
| 16 | Mehnat ta'limi | 1 | 0,5* | 0,5* | 0,5* | 1* | 1* | 1* | 0,5* | 0,5* | 6,5 | 221 |
| 17 | Jismoniy tarbiya | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 | 612 |
| | Maktab ixtiyoridagi soatlar | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 1* | 4 | 136 |
| | Ixtisoslik fani | | | | | | | | | | | |
| 1 | Iqtisodiyotda matematika | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 5,5 | |
| 2 | Iqtisod va soliq asoslari | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 8 | |
| 3 | Iqtisodiy bilim asoslari | | | | | | | | 2 | 1 | 3 | |
| | Jami: | | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2 | 3 | 3 | 16,5 | 561 |
| | Umumiy soatlar | 20,5 | 22 | 24 | 24 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 259 | 8806 |
| | Amaliy mashg'ulot (kun hisobida) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | | |

*Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!*

# "БАХТУ САОДАТИМ ШУ ЮРТ, ШУ ЭЛ БИЛАН"

Абдуғани — ота-онасининг яккаю ёлғиз фарзанди. Онаси Ҳурматой аянинг худодан тилаб олган дилбанди. Шунинг учун уни еру кўкка ишонмас, қаерга борса ўзига ҳамроҳ қилиб оларди. Абдуғани эсини таниб-танимай отаси Абдуллажон аканинг чоғроққина дурадгорлик устахонасига кириб олиб, ўша ерда ўйнарди. Қаҳрамонимизнинг ўзи бу ҳақда шундай хотирлайди:

— Отам ўз даврининг кўзга кўринган дурадгор устаси бўлиб, катта-кичикнинг ихлоси баланд эди. Олти ёшимда етим қолдим. Аям «Дадангиз яхши уста эдилар, у кишининг қаламу дафтари, рандаю тешаси эгасиз қолмасин. Энди бу ҳунарни сиз давом эттиринг», деб кўп айтадиган бўлиб қолдилар. У кишининг ишлатилавериб бармоқчадек бўлиб қолган қаламу турли чизмаларга тўлиб кетган дафтарини, эгаси кечагина ишлатгандек тоза, озода турган рандасини кўриб, кўзимга ёш келди. Бола эдим, онажонимнинг насиҳатларини у даражада чуқур идрок қилмаган бўлсам керак. Ўзим сингари орзуларим ҳам улғайди. Тенгдошларимнинг бири космонавт, кимдир шифокор, яна бирови ҳарбий бўлишни хоҳларди. Мен эсимни танибманки, уста — ёғоч ўймакори бўламан, дадамнинг ишини давом эттираман, одамларга уй қуриб бераман, уларнинг дуосини оламан, деб ўйлаганман.

1972 йили аям мени Қўқондаги машҳур ёғоч ўймакори Қодиржон Ҳайдаровнинг ёнига олиб келдилар. Анча кексайиб қолган уста янги шогирд олмаётган экан. Аям раҳматли «Бунинг отаси уста бўлган, у кишининг ишини давом эттириши керак, илтимос, боламни шогирдликка олинг», деб йиғлагач, устанинг энг кенжа шогирдларидан бири бўлиб қолдим.

> ***«Болалигимда бошқа тенгдошларимга ўхшаб космонавт ёки учувчи бўламан деб орзу қилмаганман, чунки отам олти ёшлигимда вафот этган, онам эса доимо ота касбини давом эттиришим кераклигини қулоғимга қуярди».***

Дарвоқе, Ўзбекистон халқ рассоми, машҳур ёғоч ўймакори Қодиржон Ҳайдаровдан олинган ўн йиллик сабоқ Абдуғани Абдуллаев учун ҳақиқий мактаб вазифасини ўтади. Шу кезларда устози ижод чўққисига эришиб, кенг жамоатчиликка танилган, ўйма нақш ила муайян қиррали курсилари кўплаб кўргазмаларда намойиш этилиб, Ўзбекистонни оламга танита бошлаган эди. Машҳур уста билан ёнма-ён бўлиш, сабоғини олиш ёш Абдуғанига илҳом берарди. У дастлаб ўз ишини кичкина қутича, курсича, хонтахта ясашдан бошлаб, оддийгина ёғочнинг инсон қўлида ҳақиқий санъат асарига айланишини кўриб ҳайратланарди.

> ***«Меҳнат инсонни улуғлайди, деган ҳикматнинг маъносини тушуниб етдим. Мен англаган ҳақиқат шуки, одам қанча кўп меҳнат қилса, шунча азиз бўлар экан».***

— Уста Қодиржон Ҳайдаровдан нафақат ҳунар сирларини, балки ҳаётий сабоқларни ҳам олдим. У ҳар доим ҳалолликни ёқларди. «Устахона — пирхона, у ерга тоза, озода кийимларда пок бўлиб кириш керак. Ана шунда ишингизда унум, барака бўлади. Оилангизда фаровонлик ва тўкин-сочинлик ҳукм суради», дердилар. Устозимнинг яна бир ўгитлари — одамзод қанчалик кўп меҳнат қилса, меҳнатдан қочмаса шунчалик азиз бўлиб бораверар экан. Халқимизнинг меҳнатни, меҳнатсеварликни жуда қадрлагани шундан. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли», «Меҳнат қилиб топганинг, қанду асал тотганинг» деган ҳикматлар азалий ҳақиқатдир. Мана, меҳнатнинг орқасидан шундай мартабага эришдим, ҳаётим тўкис, оиламда фаровонлик.

1982 йили Қодиржон Ҳайдаровга Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номидаги мусиқали драма театри биносига эшик ва панжара тайёрлаш топширилади. Анча кексайиб қолган уста шогирди Абдуғанига оқ фотиҳа бериб, шу ишни ўзи мустақил бажара олишига ишонишини айтади. Устознинг фотиҳаси ва ишончи ёш устага илҳом, ғайрат бағишлайди.

— Меҳнатдан қочмадим, — дейди уста, — ёғоч ўймакорлиги мактаблари услубларини ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Ёғочга гул ўйиш, уни янги-янги композициялар билан бойитиш устида изландим. Шаҳар ва қишлоқларимизни айландим. Эски уй-жойларда учрайдиган эшик ва дарвозаларнинг нақшу нигорларини диққат билан ўрганиб, улардан кўчирма олардим. Мусиқа асбобларини безаш, дутор ва танбурларга суяк ва садафдан қадама нақшлар ишлашни ҳам ўзлаштирдим. Энг қизиқадиган соҳам айвонсозлик эди. Ўзбек халқи уй-жой қуришда айвон ҳам тиклайди. Айвонсозлик эса жуда мураккаб йўналиш бўлиб, камдан-кам уста бу иш билан шуғулланади. Китобларда ҳам бу ҳақда деярли ёзилмаган. Шу боис эски айвонларни бузиб, тузилишини ўрганиб, яна қайта тиклаш асносида малакамни оширганман.

Ёғоч ўймакорлигида хомашё тайёрлаш машаққатли жараён. Устанинг муваффақияти, аввало, ёғочни тўғри танлай билишига боғлиқ. Дарахт ёнғоқ бўладими ёки чинорми, оддий теракми, алоҳида диққатни талаб этади. Ясаладиган буюмларга қараб терак (асосан устунларга), тол (майда безакларга), ёнғоқ, чинор, ўрик, нок, арча, қарағай каби қаттиқ ёғочлар танланади. Кесишдан аввал унга қуёш нури кўпроқ сингганлигига, дарз, бутоқ, ковак бўлмаслигига алоҳида аҳамият берилади. Дарахт октябрь, ноябрь ойларида кесилади. Қурт тушмаслиги учун пўстлоғи шилиниб, тепаси ёпиқ, шамол яхши ўтиб турадиган жойга қўйилади. Ёғоч ўртача уч-тўрт йилдан сўнг сувга ташланади. Сувни шимиб бўлгач, олдинги жойига яна тахлаб қўйилади. Обдон қуриб, меъёрига етган ёғоч чидамли, унча-мунчага дарз кетмайдиган ҳамда рангдор бўлади.

Устанинг узоқ йиллик меҳнати туфайли эришган муваффақиятлари ҳақида билишга интиламан.

— Мустақиллик менга жуда кўп имкониятлар эшигини очди. Истиқлолдан аввал биз каби ҳунармандларга эътибор бу даражада катта эмасди. Ўзимиз хоҳлагандек ижод қилолмас эдик. Номигагина бир-икки кўргазмаларда қатнашганимизни ҳисобга олмасак, чойхона ва айвонлар қуриб юравердик. Мустақилликдан сўнг «Ҳунарманд» уюшмаси ташкил этилди. Миллий меросимизни ривожлантириб, келгуси авлодга етказиш борасида жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Мени ҳам том маънода мустақиллик юзага чиқарди, деб айта оламан. Ўзингиз ўйлаб кўринг, чекка бир қишлокда туғилиб ўсган боланинг Ўзбекистон Қаҳрамони бўлишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз? Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида меъморий мажмуалар қурилишига, борларини қайта таъмирлашга, ободонлаштиришга катта эътибор берила бошлади. Ёғоч ўймакорларига талаб ошди. Маҳобатли ўймакорлик йўналиши вужудга келди.

> ***«Инсон сопол буюмларни ўзига жуда яқин олади, чунки одамзод тупроқдан пайдо бўлган. Одамнинг жисму жонига дарахт ҳам яқин тураркан».***

1998 йили Челак туманидаги Хартанг қишлоғида буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги муносабати билан ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Бу қурилишга Андижон, Қўқон, Наманган, Тошкент, Бухоро ва Хива усталари ганчкорлик, сиркорлик, наққошлик, кулолчилик, кошинкорлик ишлари учун жалб этилди. Мажмуа айвонидаги ёғоч безакларни ишлаш, мажмуа томини вассажуфт билан ёпиш, жавонлар тайёрлаш, ўйма устун ва муқарнаслар ўрнатиш сингари ишларни Абдуғани Абдуллаев бошчилигидаги усталар гуруҳи бажарди. Ал-Бухорий мажмуаси айвони учун 75та ўйма устун, 20 донадан ортиқ ўймакор эшик тайёрланди. Мустақиллик майдонидаги Хотира майдони мажмуаси айвонлари ҳам уста ўймакорнинг ижодий изланишлари натижасида юзага келган. Узунлиги 60 метр бўлган айвонлар ўзбек ёғоч



ўймакорлигининг ўзига хос намуналаридир. Марғилондаги Бурҳониддин Марғиноний, Тошкентдаги Шаҳидлар хотираси майдони меъмориал мажмуаси қурилишига Абдуғани Абдуллаев ва унинг шогирдлари катта ҳисса қўшишди. Бу иншоотлардаги ҳовузаклар, вассажуфт, шарафа, тўсин, хари ва қалам-қошлар ўймакорлик санъати асарлари бўлиб, киши кўзини қувонтиради.

> ***«Бугунги ёшларга ҳавасим келади, авваллари беш-олти киши қиладиган ишни бугун битта дастгоҳда бир киши бажаргани учун вақт ҳам, куч ҳам тежалади».***

— Устозидан кўп яхшиликлар кўрган, нафақат ҳунар сирларини, балки ҳаёт сабоқларини ҳам ўрганган шогирд сифатида издошларингизга қандай талаблар қўясиз, — деб сўрайман.

— Авваллари боланинг жисмига, ҳунарга қизиқиши бор-йўқлигига эътибор бераман. Бирор ҳафта ёнимда олиб юраман. Ота-онаси хоҳиши билан келган болалар ҳам дарров билиниб қолади. Энди эса «Фарзандимни шогирдликка олинг», дейдиган ота-оналарга: «Ўғлингиз аввал касб-ҳунар коллежини тамомласин. Фалон-фалон коллежларда бизнинг ҳунар ўргатилади. У ерда малакали ўқитувчилардан сабоқ олсин, сўнгра бизга келсин», деб айтаман.

Қўқон шаҳридаги санъат коллежида ёғоч ўймакорлиги ўргатилади. Таълим масканига устозим Қодиржон Ҳайдаров номи берилган. Ўқитувчилар учрашув ва маҳорат машғулотларига таклиф қилиб туришади. Ёшларга ҳунаримиз сир-асрорларини ўргатишдан эринмайман. Йигитлар кўзидаги ўтловни, шижоат ва шиддатни кўриб, уларга ҳавасим келади.

2006 йили уста Абдуғани Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.

— Устозимнинг «Абдуғанижон, меҳнат қилинг, кам бўлмайсиз, ҳалол меҳнат қилинг, барака топасиз, сидқидилдан ишланг, яратганга яқин бўласиз», деган ўгитлари ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Бу дунёда нимаики топган, қандай мартабага эришган бўлсам, ҳаммасининг ортида меҳнат туради. Ҳунар мени азиз қилди, элга танитди. Бахту саодатим эса шу юрт ва шу эл билан!

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Sharh*

# КИБЕРЛУДОМАНИЯ

## *ёхуд хавфли хасталикка чалинган одамлар*

**XXI аср инсоният тарихида тамаддунлараро мулоқот асри, техника ва технология, ахборот коммуникациялари тизими мисли кўрилмаган даражада такомиллашиб борувчи юзйиллик сифатида из қолдириши шубҳасиз. Афсуски, бундай глобал ривожланиш халқаро телекоммуникациялар, интернет тизими, оммавий ахборот воситалари орқали ёшлар маънавиятига салбий таъсир этаётганлиги бугунги куннинг аччиқ ҳақиқатларидан биридир. Ёшларимиз онгини заҳарлаб, уларнинг маънавий қарашларини издан чиқараётган ана шундай хавфли таъсирлардан бири – лудоманиядир.**

«ludomania.com» интернет манбасида келтирилишича, бу сўз (лотин тилида ludus-ўйин) замирида ўйинларга муккасидан кетиш, уларга қарам бўлиш маъноси ётади. Ташқаридан қараганда, мазкур ҳолат зарарсиздек кўринса-да, тадқиқотчи олимлар унга инсон руҳий ҳолатининг бузилишига олиб келувчи ҳамда ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи «касаллик» сифатида қарашади. Чунки «лудомания» оқибатида киши нафақат жисмоний ва руҳий зўриқади, балки ижтимоий, касбий, оилавий, ҳаттоки шахсий ҳаётидаги мажбуриятларга ҳам масъулиятсиз бўлиб қолади.

Бугунги кунда Ғарб давлатларида автомат ва компьютер клублари, казино ҳамда букмейкерлик идоралари ўйинларига муккасидан кетиш лудоманиянинг асосий кўринишлари сифатида тилга олинмоқда. Бундай кишилар тоифасига фақат осон пул топишга, енгил даромад олишга ҳаракат қиладиганлар, деб қараш нотўғри. Негаки, «ўйинчи»лар орасида бойбадавлат, жамиятда нуфузи ва мавқеи баланд кишилар ҳам тез-тез учраб туради. Ишбилармонлик, кимўзарга мусобақа ўйнаш каби сифатлар уларга хос хусусиятлардир.

Лудоманларнинг асосий иши ўзгалар нигоҳида мавқеларини ошириш, бошқаларга нисбатан яхши, кучли, қобилиятли ва омадли эканликларини исботлашдан иборат. Фақат муваффақиятгина уларга ҳаётдан тўла қониқиш, ўзини тўлиқ намоён этиш ҳиссини беради.

Улар учун энг муҳими — ўйинда ғалаба қозониш. Бу уларнинг нималарга қодир эканлигини исботлаш усули, руҳий ҳамда маънавий қониқиш омили. Аммо у буни кутилган натижаларга бошқаларнинг ёрдамисиз, ўз кучи билан эришсагина ҳис қилади. Бундай ўз-ўзини бошқарув лудомен учун ғолиб келиш қобилияти, ишбилармонлик сифатлари, ҳукмронлик тимсоллари ҳисобланади.

Одатда ўйинга кириш оддий қизиқишдан, дам олиш ёки эрмакдан, муаммолардан қочишдан бошланади. Ўйинга берилиш ҳолати эса жуда тез суръатларда, баъзан бир неча кун давомида юзага келади. Бундай инсон ўйинда омади келиб, ютишни бошлаши билан унинг онгини омад доимо у тарафида бўлиши, у ҳар доим муваффақиятга эришиши керак, деган фикр эгаллаб олади. Бунинг натижасида ғолиб чиқиш учун кўп вақт ва кучини шу ишга сарфлай бошлайди. Чунки мағлубият унинг ориятига, шахсиятига тегади, айбдорлик ва алам ҳиссини кучайтиради, нима қилиб бўлса ҳам ғолиб чиқишга ундайди ва оқибатда у ўйинга муккасидан кетади.

Албатта, ҳамма ҳам муккасидан кетган ўйинчи эмас, кимдир ўйинларга совуққонроқ муносабатда бўлади. Бундай кишиларда ўзига ишонч кучли ва улар ўзини назорат қилиш қобилиятига эга бўлади, ўйинларга жуда кам вақт сарфлайди. У гоҳ-гоҳида фақат ҳордиқ чиқариш ва дам олиш учун ўйнайди, ютуқларга вазминлик билан қараш ҳамда мағлубиятни хотиржам қабул қилишни билади.

Кўпгина ҳолларда ўйинчилар берилиб кетиш оқибатида тобора катта миқдорда пул тикиб, таваккалчиликни оширадилар, бунинг натижасида улар ҳамма нарсани унутиб, секин-аста ўйин васвасаси асирига айланиб боради. Одатда бу ўйинда ютган киши ютуқ билан чиқиб кетмайди, аксинча, аввалгидан ҳам кўпроқ миқдорда пул тикиб, бор-будидан айрилгунча ўйинни давом эттиради. Бундай жазава ҳолати ўткир ҳиссий кечинмаларни бошдан кечиришни таъминлайдиган катта миқдордаги нейрогормонлар ишлаб чиқилишига олиб келади. Ўйинчилар шундай виртуал ҳолатга тушадиларки, улар вақт ва пул ҳисобини унутишади. Улар бу ҳолатдан пуллари тугаганда ёки кўпкунлик ўйин пойгасида кучдан қолиб, йиқилгандан сўнггина чиқадилар.

Навбатдаги мағлубиятдан кейинги афсус ва пушаймон тезда унутилади ва ўйинчилар яна кучли ўйин иштиёқига тушадилар. Кўпчилик такрорий ўйинда аввалги ютқазган пулларини қайтариб олишни, қалбини эгаллаган алам ва гўёки адолатсизликни енгишни исташади. Уларнинг назарида бу сафар, албатта, омад кулиб боқиши керак. Бу важ уларни яна ўйинга чорлайди ва ўйин жараёни уларни ўз гирдобига тортиб, яна ўша жазава ҳолатига олиб келади.

Ўйин жазаваси — бу нисбий кучли таъсир этувчи фармакологик самарага эга руҳий фаол моддалар — наркотикларга ружу қўйган одамларда кузатиладиган ҳолатга ўхшайди. Шу боис, лудомания муаммоси инсон руҳиятига таъсири жиҳатидан ичкиликбозлик ёки гиёҳвандлик сингари жиддий касалликлар даражасига кўтарилишга улгурди.

Бугун кўпгина мамлакатларда аҳолининг аксарият қисми турли ўйинлар билан вақт ўтказади. Масалан, интернет маълумотларига кўра, АҚШда 1975 йили турли ўйинларга аҳолининг 68 фоизи қизиққан бўлса, 1999 йилга келиб, бу кўрсаткич 86 фоизни ташкил этган. 1987 йили ҳар бир америкалик йилига ўз бюджетининг 0,3 фоизини ўйин учун сарфлаган. Бугунги кунда бу рақам 1 фоиздан ошган. Албатта, ҳаёти давомида умуман ҳеч қандай ўйинга қизиқмаган, уларни ўйнамаган одамлар ҳам бор, шунингдек, ўйинларга жуда кўп маблағ сарфлаб вақт ўтказадиганлар ҳам, афсуски, кам эмас. Океанортида ўйин бизнесидан тушган йиллик даромад 67 миллиард долларни ташкил этган. Бу кабель телевидениеси ва кинолар намойишидан тушган даромаддан анча юқори.

Лудомания сўзи дастлаб қимор ўйинларига берилиб кетган кишиларга нисбатан қўлланилган. Вақт ўтгани сайин унинг кўринишлари ҳам ўзгариб, турли номларга эга бўлиб борди. Бугунги кунда ахборот технологиялари, компьютер техникаларининг ривожланиши, телекоммуникация соҳасидаги тараққиёт замонавий "кибернетик-лудомания" деган янги тушунчанинг кашф этилиши учун замин яратди. Киберлудомания — компьютер ўйинларига муккасидан кетиш. Бу сўзнинг луғатимиздан жой олганига ҳали кўп бўлмагани боис унинг моҳиятини ҳамма ҳам билавермайди. Киберлудомания ҳам таъсир жиҳатидан инсон руҳий ҳолатига, саломатлигига ичкиликбозлик ва наркомания каби зарар етказиб, салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Дунё олимлари уни аллақачон хавфли касалликлар рўйхатига киритиб қўйишган. Бу хасталик инсон ўйинни эмас, ўйин инсонни бошқарган тақдирда хавфли ҳисобланади. Киберлудомания касаллигининг бошланғич даври яширин тарзда кечиши мумкин. Ушбу касалликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўйин домига тушиб қолган "бемор" ўзини одамлардан олиб қочадиган, кайфияти тез-тез ўзгариб турадиган бўлиб қолади. Ўта жаҳлдорлик, тез-тез кузатиладиган бош оғриғи, уйқудаги нотинчлик, доимий тушкунлик, руҳий безовталик киберлудоманларга хос белгилар ҳисобланади.

Компьютер ўйинлари кишини оҳанрабодек ўзига тортиб, виртуал ҳаётга киришга мажбур қилади. Бунда одам реал ҳаётдаги барча ташвишлар, муаммоларни унутган ҳолда виртуал оламга тушиб қолади. Натижада, компьютер ўйинлари инсон ҳаётига жиддий таъсир кўрсатади. Унинг атроф-муҳитга лоқайд муносабатда бўлишига олиб келади. Қизиқишлари доираси торайиб, кўпроқ ўйин ҳақида ўйлайди.



Бугун шаҳар кўчаларидаги исталган интернет кафе ёки «Playstation»да гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўйинга берилган болаларни кўрасиз. Улар орасида болалар билан бир қаторда катта ёшдагилар ҳам борлиги ачинарли ҳолдир. Болаларимиз китоб ўқимай қўйди, дея қайғуриб гапирамиз. Аслида бундай бўлишига катталар сабабчи эмасми?! Болалар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг истаклари ҳам ўзгарганини сезасиз. Улар энди Қорбобога турли ўйинчоқлар эмас, «Playstation», компьютер, ноутбук, телефон, планшет сўраб мактуб ёзишади. Хатни ҳам почта орқали эмас, интернетдан жўнатишингизни илтимос қилишади. Бир сўз билан айтганда, компьютер болалардан ўйинчоқларни тортиб олди. Компьютер ўйинларидаги тимсоллар уларнинг идеалига айланиб қолди. Хоҳласак-хоҳламасак, боланинг келажаги айнан ёшлигида қандай ўйинлар ўйнаганига боғлиқ.



**Умуман олганда, ҳаётимиз бир зайлда ўтади: уй — иш. Айрим ҳолатларни мустасно қилганда, деярли ҳар куни шу ҳол такрорланади. Вақт ўтиб бораверади, аммо бу анъана ўзгармайди. Фақат вазият, иш жойимиз, турмуш тарзимиз, ҳаётга муносабатимиз ўзгариши мумкин. Қизиқишларимизнинг эса доираси кенгайиб бораверади. Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлгани каби компьютер ўйнаётганда ҳам меъёрни унутмаган яхши. Зеро, қизиқиш ва интилишларимизни яхши томонга йўналтириш ўзимизга боғлиқ.**

“Ma'rifat” мухбири Сурайё СИРОЖИДДИНОВА тайёрлади.

# ЎЗИГА ХОС ВИРТУАЛ КУТУБХОНА




**Автриянинг Клагенфурт шаҳрида яшовчи икки нафар ташаббускор шахс шаҳар аҳолиси учун QR-кодлари орқали уланиш мумкин бўлган виртуал кутубхонани яратишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда «Engadget» хабар беради.**

Журналист Георг Хольцер ва дастурчи Бруно Хауценбергер Клагенфурт шаҳрининг 70 жойига кичик сариқ афишаларни ёпиштириб чиқди. Смартфонлар, планшет ва бошқа қурилмалар ўқий оладиган штрихкодлар ёзилган бу афишалар ёрдамида китоблар оламига виртуал саёҳат қилиш мумкин.

Шунингдек, уларга аппаратларнинг NFC модули билан симсиз уланишга хизмат қиладиган радиочастотали белгилар ҳам киритилган. Кодлар ва белгилар орқали китобхон рақамланган манбадан ўзига кераклиа адабиётни топа олади. Мазкур виртуал кутубхонадан ўрин олган асарларнинг сон-саноғи йўқ.

Афишалар қандай объект атрофига ёпиштирилганига қараб, асарлар мавзусини танлаш мумкин. Масалан, стикер ёзувчи Артур Шницлернинг «Қотил» ҳикоясини топиш учун полиция участкаси яқинида жойлаштирилган афишалардаги кодлардан фойдаланиш керак.



Хольцер ва Хауценбергерни мазкур лойиҳани ишлаб чиқишга ундаган сабаблар кўп. Биринчиси муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ муаммони бартараф этиш бўлса, иккинчиси Клагенфурт шаҳри кутубхоналарида китоб фондини бойитишга қаратилган.

Ихтирочилар август ойида замонавий адиблар асарлари билан бирга куй-қўшиқларни ҳам оммага етказиб беришни режалаштирмоқда.

# ПАРРАНДАЛАР УЧУН МЕТАЛЛ ТУМШУҚ

**Янги зеландиялик ветеринарлар маълум сабабларга кўра, пастки тумшуғи синиб тушган ўрдакларнинг одатий ҳаёт тарзи бузилмаслигига ёрдам берувчи металдан ясалган протезларни ишлаб чиқишди, деб хабар берди «Kapiti Observer».**

Айни пайтда тажрибада синалаётган жониворлар Веллингтондаги марказга жойлаштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, ўрдаклар сунъий тумшуқда ўзини яхши ҳис этмоқда. Паррандалар ўз оламига қайтолмайдиган вольерда парваришланаяпти.



Пастки жағи синган Бики (бурни катта) лақабли ўрдак жуда мушкул аҳволда топилганди. Бошида унга бирор нима едириш мушкул кечди. Бики ветеринарлик клиникасига келтирилгач, ўтказилган олти операциядан сўнг сунъий тумшуққа эга бўлди.

Янги тумшуқ бир неча металл халқачалардан иборат, у худди одам тишларига ўрнатиладиган қопламани эслатади. Қушларга ёрдам берувчи марказ раҳбари Крейг Шепердннинг айтишича, мазкур жарроҳлик амалиёти учун сарфланган бир неча юз доллар маблағ тобора йўқолиб бораётган бундай ноёб жониворларнинг умрини узайтириш ва уларни сақлаб қолишдек умуминсоний мақсад олдида қийматсиз экан.

# ПЛУТОННИНГ БЕШИНЧИ ЙЎЛДОШИ

**«NASA» манбасида америкалик бир гуруҳ астрономлар Плутон сайёрасининг бешинчи йўлдошини топгани ҳақида хабар қилингани хусусида «Associated Press» ахборот агентлиги маълумот берди.**

«Хаббл» телескопи орқали аниқланган ушбу самовий жисм диаметри 10 дан 24 километргача бўлиб, у топилган йилга ҳамоҳанг тарзда номланди — S/2012.

Ўтган йили «Хаббл» телескопи Плутоннинг тўртинчи йўлдошини ҳам аниқлаганди. Унинг диаметри 13 дан 34 километргача эди. 2005 йилда эса бу қурилма Плутонга қарашли иккита йўлдош — Никс ва Гидра кашф этилганини омма эътиборига ҳавола қилганди. Уларнинг диаметри ўлчанганда 32 дан 113 километргача масофани ташкил этганди.




Плутоннинг одамлар томонидан аниқланган илк ва энг йирик йўлдоши — Харон 1978 йили Ҳарбий-денгиз расадхонаси астрономлари томонидан белгиланганди. Харонннинг диаметри 1043 километрдир.

# iPad ПЛАНШЕТЛАРИ САМОЛЁТСОЗЛАР НИГОҲИДА

**«Airbus» авиақурилиш концерни янги технология намунаси — iPad планшетини самолёт бортига оид ҳужжатлаштириш тизими*(Electronic Flight Bag)*да қўллашни режалаштираётгани концерннинг расмий сайтида эълон қилинди.**

Бундай замонавий ва ўзига хос қулайликларга эга мосламалардан учувчилар самолёт бортида ҳужжатлаштириш ишларида фойдаланишлари мумкин. Ушбу пакет «FlySmart with Airbus» деб номланади.

Маълум қилинишича, яқин кунларда унинг дастури «App Store» савдо мажмуаларида пайдо бўлади. Концерннинг мижозлар билан ишлаш бўйича вице-президенти Дидье Люкснинг айтишича, учувчиларнинг iPad планшетидан фойдаланиши ҳам вақтдан, ҳам вазндан ютишни таъминлайди.



Ушбу дастур «Airbus»нинг махсус синов-машғулот марказида учувчилар томонидан синаб кўрилди. Жараёнда туғилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида авиақурилиш концерни раҳбарияти планшет ишлаб чиқарувчи корхонага буюртма берди.

Бортга оид ҳужжатлаштиришнинг электрон тизими мосламаси ўзида учувчилар учун зарур барча маълумотларни акс эттиради. У алоҳида ҳолда ёки лайнер панели орасига жойлаштирилган ҳолда ишлатилиши ҳам мумкин.

«Airbus» бундай планшетлардан фойдаланиш таклифини илгари сурган илк компания эмас. Бунга қадар «Alaska Airlines» копаниясига тегишли самолёт учувчилари планшетлардан фойдаланишни ўзлаштирган. Эътиборли жиҳати, «Airbus» ҳар қандай планшетлардан фойдаланишни эмас, ўзлари учун алоҳида буюртма беришни маъқул кўрган.

**Абдулазиз МУСАЕВ,
Фирдавс ТОИРОВ тайёрлади.**

JUMLADA JAHON
yangiliklari © xabarlari

**Япониянинг жанубий-ғарбида жойлашган Кумамото ҳамда Оита префектурасида кучли ёмғир оқибатида юзага келган табиий офат туфайли қурбон бўлганлар сони 18 нафарга етгани ҳақида маълумот тарқатилди.**

Маҳаллий полиция вакили Бертран Франсуанинг маълум қилишича, Франция ҳудудидаги Алп тоғ тизмасида содир бўлган кўчки натижасида 9 нафар альпинист ҳалок бўлган, яна шунчаси жароҳатланган.

**«Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Нигер дарёси дельтасида жойлашган Окогба шаҳри ҳудудида бензин ташувчи цистернали автомобилнинг портлаши натижасида 92 нафар одам ҳалок бўлган.**

Канаданинг Британия Колумбияси номли шаҳрида истиқомат қилувчи 62 ёшли Кристиан Террьен томонидан оғирлиги тахминан 26 килограммга тенг улкан қўзиқорин топиб олинганлиги ҳақида хабар тарқатилди.

**Нидерландияда озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи супермаркетларда жорий қилинган бармоқ излари ёрдамида маҳсулот харид қилиш усулига кўра, харидор савдо марказида рўйхатдан ўтади ва махсус аппаратга бармоқ изини қолдиради, натижада унинг банкдаги ҳисобрақамидан савдо қилинган маҳсулотлар нархига яраша пул ечиб олинади.**

Германиянинг Жаҳон аҳолишунослик жамғармаси тарқатган маълумотларга кўра, ҳар йили саксон миллионтага кўпаяётган сайёрамизда айни вақтда аҳоли сони етти миллиард эллик етти миллиондан ошган ва бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 9,2 миллиардга етиши тахмин қилинмоқда.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси Олмазор туманидаги 224-давлат умумтаълим мактабининг собиқ раҳбари, таълим фидойиси **Мунисхон НЕЪМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

*Ҳанбия*

# ДУНЁНИ УЧ ЯРИМ МАРТА ЯЁВ КЕЗГАНДА...

## *«Шамол қизи» саёҳатномасидан*

*Asliyatdan tarjima*



**(Давоми. Боши 30 июнь ва 4 июль сонларида.)**

### ЧЎҚҚИГА КЎТАРИЛИШ СУРУРИ

***Чўққига кўтарилган эмас, имкониятларидан тўғри фойдалана олган одам кучлироқ.***

Рож онанинг кўзёшлар билан ювилган маҳзун юзига қарамасликка ҳаракат қилиб, орқага ўгирилдим-у, Килиманжарога қараб йўл олдим. Баландлиги — 5895 метр. Африка дунёнинг энг юқори чўққиси деб фахрланадиган бу тоғ Эрнест Ҳемингуэйнинг "Килиманжаро қори" ва корейс ёзувчиси Чо Ёнг-пилнинг "Килиманжаро қоплони" каби асарлари сабабли бизда романтик таассурот қолдирган бўлса-да, аслида, 3000 метрдан юқорига кўтарилганларнинг кўпчилиги бош оғриғи, кўнгил айниши, иштаҳасизлик, бўғма (нафас олишнинг қийинлашиши) каби касалликлар билан оғриб қоладиган хавфли тоғ. Бир неча йиллар аввал Непалдан жанубий Жомолунгма (Эверест) чўққисига кўтарилгач, "тоғ касаллиги"га чалинибча кўтарилишимга рухсат бер!..

Боғ кираверишидан 4 кеча 5 кундуз давом этадиган тоғ саёҳатим бошланди. Ҳамроҳларим — йўл бошловчи Ҳамиши ва юк ташувчи йигит. Биринчи кунги мўлжал 2727 метрли баландлик — Мандара тоғ вилласи.

Аввало, боғ дарвозасигача етиб келганимнинг ўзи катта гап эди. Кўпларни Килиманжаро тоғ саёҳати толиқтириб қўяди. Тоғ йўлига қараб бораяпман, қувончим ичимга сиғмайди.

Мандара тоғ вилласигача бўлган йўлнинг ярмини босиб ўтгач, ўт-ўланлар хилма-хиллашиб, баҳайбат дарахтлар камая бошлади. Одамбўйи, барглари қарағайникига ўхшаш, танаси силлиқ дарахтларни томоша қилиб борардим. Кучимни тежаб секин-аста кўтарила туриб бирдан юрагим сиқилиб кетди ва қадамимни бироз тезлатдим.

— Полле-полле. (Секин-секин.)

Шундай деганларидан сўнг тўхтаб сув ичдим. ***Биринчи кун*** Мандара тоғ вилласигача бўлган йўл ёқимли таассурот қолдиргани боис, кўнглимдан шундай давом этсак, Ухуругача бемалол етиб борамиз деган туйғу кечди.

### ТОҒ КАСАЛЛИГИНИНГ АЗОБИ

Иккинчи манзил 3780 метр баландликда жойлашган — Ҳоромбо тоғ вилласи эди. Йўл бошловчи қийин ва кўп куч талаб қилади деган учун тонг саҳар йўлга тушдик.

***Иккинчи кун.*** Хилма-хил ўтлоқзор анча қалинлашиб қолди. 30 дақиқалар илон изи йўлдан юриб бордик, икки ён ҳар фаслда сариқ-яшил рангда очилиб, мўйлабдек ғуж-ғуж мева тугадиган тўп-тўп дарахтлар, бундай дарахтларни фолбин аёл уйи ёнида кўрганман. Бу ерликлар тилида "қари мўйлаб" деб номланадиган бу дарахт гулчалари шамол эсганида ҳаволанса-да, тик қомати ҳеч бир ўзгаришсиз тураверади.

Яна озгина кўтарилдик, бир-бирининг устига чиқиб, ер юзасига ўрмалаган бақувват илдизли дарахтлардан иборат қуюқ дарахтзор кўз очиб-юмгунча ортда қолди, бу ёғи энди чаманзор-ўтлоқ.

Бу ердан бизни Килиманжаронинг чап ёнидан Шира қояси, юқоридан Кибо ҳамда Мавензи қоялари ўраб туради. Ўтлоқлардан иборат Мавензи тоғ қоясининг маҳобатли-улуғвор кўриниши кўзни қувонтирар даражада эди.

Ғаройиб ҳаёт манзаралари. Энг юқори чўққига йўл шу ердан бошланади. Майда сап-сариқ бангидевона гуллари бир соатлар чамаси ҳамроҳ бўлиб борди, кейин оқ-қизил, йирик, хушбўй гулли, доимо яшил буталар(камелия гулига ўхшаш катта-катта оппоқ гуллар қўшилиб), сўнгра 2000 метр баландликдаги шаршара бўйидагина ўсадиган ананас мевасини эслатадиган шинешиалар борган сари кўпайиб кетди.

***Учинчи кун.*** Ҳоромбо тоғ вилласи қуёш кўтарилиши ва ботишининг ўзгача фусункор кўриниши билан жуда машҳур деганлари учун "уйғотадиган сигнал"ни эрта саҳар пайтига тўғрилаб қўйдим. Саҳар қуёш кўтарилар пайт уйғондим-у, ташқарига отилдим. Лекин сийрак настарин гул рангида очилиб келаётган булутларнигина кўрдим, холос. Ҳа, қуёш чиқиш вақтини ўтказиб юборибман-да!.. Қуёш бош кўтариши пайтини кўролмадим, аммо 4000 метрлар атрофидаги баландликка кўтарилгач, кўз олдимда ажойиб манзара намоён бўлди. Булутлар уюми момиқ пахта мисоли оёқ остида тўшалиб ётар, эртаклардаги мўъжизага ўхшарди. Ҳақиқатан ҳам, булутлар устида юраётгандик.

Бугунги мўлжал — 4703 метрлар атрофидаги баландликда жойлашган Кибо тоғ вилласи эди. Кўпчилик баландликка мослашиш учун Ҳоромбо тоғ вилласида икки кун тўхтаб ўтади. Ҳоромбо билан Кибо алп чўққиларининг орасида одам қадами етмаган жойлар кўп.

Анча йиллар бурун Жомолунгма чўққисига чиққаним са-ўлишимга бир бахя қолган эди, шу боис бироз хавотирландим.

Кеча тушдан кейин қўнимгоҳда Килиманжаро саёҳатини тугатиб қайтаётган икки америкаликни учратиб қолдим. Бири кўринишидан 50 ёшлар чамасидаги бақувват аёл ва иккинчиси таниш, икки йилдан бери Ғарбий Африкада давлат хизматчиси бўлиб ишлаётган 43 ёшлардаги хушрўйгина жувон. Иккаласи ҳам энг юқори чўққи Ухуругача чиққан, қувончдан юраги ёрилгудек ҳаяжонда эдилар.

— Жуда бахтиёр кўринасиз? Саёҳат муваффақиятли ўтдими, дейман? Табриклайман!

Саломлашиб, бўлажак саёҳат ҳақида маслаҳат сўрагандим, завқ-шавқ билан сўзлай кетишди.

— Энг биринчи шарти — аввалбошданоқ кучингизни тежанг. Секин-аста қадам ташлаб табиатдан завқланинг, чиройли манзаралар олдида расмга тушинг, асосийси, куч-қувватингизни бекор сарфламанг!

— Имиллаб қадам ташласангиз ҳам, етти соатлар атрофида биринчи манзилга етиб борасиз, шунинг учун шошилишнинг ҳеч кераги йўқ. Эрталаб эрта туринг, яхшилаб овқатланиб, кўпроқ сув ичиб, аста-секин юқориланг.

Бундай гапларни жуда кўп эшитдим. Пахтали шим, жун камзул ва жун пайпоқ, қишки уйқу халта, темир таёқ каби қўнимгоҳдан қарз олган тоғ саёҳати буюмларимни охирги марта кўздан кечириб, яхшилаб нонушта қилдим ва шошилибгина Миллий боққа қараб кетаётган машинага миндим. Ойнадан кўз илғар-илғамас даражада кўринаётган Килиманжаро тоғига кўнглимда бир ўтинч билан термулдим: — Килиманжаро чўққиси! Эзгу истак билан сенга интилиб бораётибман, илтимос, Ухуругабабли кўнглим бироз ғаш бўлса-да, қиладиган юмушим йўқлигидан вақтни бекор ўтказмай, ҳарна бир кун, дея сафарни биздан икки кун илгарироқ бошлаган гуруҳга қўшилиб йўлга отландим. Шу ергача келдим, кўп-кўп сув ичиб, секин-секин юриб энди янада юқорироққа кўтариламан.

Тоғ касаллиги аломати — бош оғриғи кучайиб, кусиш, қуруқ йўтал, бурун оқиши, иштаҳанинг йўқолиши, ҳолсизлик... лаблар кўкариб нафас олиш қийинлашади, аммо буларга эътибор бермаслик керак. Олдинга қараб юриш — бошқа давоси йўқ! Одатда касаллик белгилари жуда кучли бўлса-да, 500 метр пастласангиз, баридан бир дақиқада халос бўласиз, бироқ яна кўтарила бошласангиз, аҳволингиз оғирлашиб, ҳатто ўлим ҳаётингизга хавф солиши мумкин.

Тоғ вилласидан кетганимизга унча кўп бўлмади. Анча-мунча қийинчиликларга парво қилмайдиган, тоғ касаллигига чидамли бир неча киши кетиб борардик. Лаблар кўм-кўк, нафас олиш қийинлашган, аммо тана оғирлашган бўлса-да, одатдагидан ўзгачароқ азоб чекаётганга ўхшамасдик. Тўсатдан дадил қадамлар ўз-ўзидан секинлашиб, кўнглимга бош оғриғи бошландимикан деган бир ғулғула тушди. Икки қадам ташлаб кўрдим — азоб. Бугунги олис йўл ва эртага кўтарилиш керак бўлган катта қиялик дўзах азоби, етиб бўлмас манзилдек кўриниб кетди.

Йўл бўм-бўш, ялангликка тўғрига узалиб кетган, афтидан Кибо тоғ вилласигача кўтарилиш учун ўйлаб қўйганимизга қараганда кўпроқ юриш керак. Йўл адир ёнбағридан анчайин баландликда, ўт-ўлан йўқ, ерни вулқон қорайтириб юборган, қаҳва рангида эди. Ўнқир-чўнқирлар эса Марс ёки Венерага келиб қолдиким, дегандек таассурот уйғотарди.

### ГЎЗАЛЛИК ОҒРИҚЛАРНИ ЕНГАДИ

Тушдан кейин, соат учлар чамаси, Кибо тоғ вилласига етиб бордик. Жами ўн икки киши эдик. Чўмилиш хонасига юкларимизни қўйиб, кийимларимизни янада қалинроқ, устма-уст, сиққанича кийиб олдик. Тоғ вилласи жуда совуқ, асосий чўққининг бошидамиз. Чўққига кўтарилаётганимизда изиллаган кучли шамол эсарди.

Эгнимда меҳмонхонадан қарз олган немис ҳарбийлари киядиган жунли нимча, тагида олти қават устма-уст кийим, нимча ярмигача яшириб турган чанғичилар шими, унинг остидан яна беш қават кийим. Қават-қават кийинганимдан ҳаддан зиёд «семириб» кетганман, пингвин каби ҳаракатланиш ҳам қийин, ҳожатга бориш эса чинакамига муаммо.

Килиманжаронинг биз бораётган уятчан келин каби булутлардан рўмол ўраб олган икки чўққисидан, айниқса, Мавензи чўққиси ўзини кўз-кўз қиларди. Расмини олдим. Булутлар тўп-тўп, бу фусункор манзарани шундайлигича ўзингники қилиб олгинг келади, киши. Айтишларича, булутлар тоғ чўққисидаги намликни бирдай сақлаб турар экан.

Хонадаги ўн киши орасидан бир киши чўққилар бошланганидан беш минут ўтмай қайт қилиб, аҳволи ёмонлашгани боис, бизнинг қайтишимизни кутиб турадиган бўлди: яна тўрт кишининг эртага ҳечам чўққига кўтарилиш хаёлида йўқ, яна икки киши ўртасида баҳс, мен билан германиялик эр-хотингина чўққини забт этишни орзу қилардик, холос!

Тушдан сўнг, соат бешлар чамаси, уйқу қопига кириб олдим. Кибо тоғ вилласида ҳаво босими жуда юқори бўлгани сабабли овқатланиш ва ухлаш қийин эди, лекин мен бир амаллаб ҳаракат қилдим, яхши овқатланиб, кечаси йўл бошловчи келиб уйғотмагунча ухладим. Бу — яхши аломат.

Соат 11 яримлар эди. Ҳамиши бир чойнак чой ва бисквит олиб кирди, одатда, уч ёки тўрт пиёла чойни кўрдим демайман, аммо бугун бир пиёлагина ичдим, холос.

Ҳарорат пастлаб, 10 градусга тушиб кетган, шамол кучли эсадиган бу тоғда эҳтиёж учун кийимларни ечиш осон иш эмас. Шу фикрда сувни камроқ ичиб, жўнаш олдидан ташқарини бир айланиб келдим.

Кеч соат 12да виллада йиғилганларнинг орасидан биринчи қадам ташланди. Тун осмонида тўлишига икки кун етмаган ой ёруғ нур сочарди, тонгга қадар, то нурлари заифлашгунигача фонусга ҳожат йўқ.

Йўлга чиққан вақтимиздан соат саккизгача баландлиги 4800 метрдан 5895 метргача — салкам 1000 метр юқорига кўтарилиш керак. Эндиги таассуротлар бутунлай бошқача эди. Орадан 60—70 йил ўтиб кетганга ўхшарди, силлиқ, шағал-қум йўлда юриш ростдан ҳам қийин. Кийимларни аҳмоқона тарзда устма-уст кийганман, нафас етишмай ҳансирардим. Бунинг устига, шамол забтига олган...

Олдинда бораётган йўл бошловчининг оёқ босиши аввалига бир маромда эди, кейин бирдан тезлашиб кетди, сўнгра йўлбошчи қадамини секинлатишнинг иложи бўлмай қолди. Фикримча, менга шундай туюларди. Аслида, у катта-катта қадам ташлаб, секин кетаётган эди, мен эса, юқорилаганим сари ҳолдан тойиб борардим. Бошида 200 қадамни осон босиб ўтдим, кейинги 75 қадам ҳам қийин эмасди ва сўнгги 50 қадамни эслолмайман. Ҳар қадам ҳар нафас олишдек, аммо қийин эмас, дея ўз-ўзимни ишонтирардим.

Бориб-бориб, манзил жуда олисдек туюлиб кетди. Йўл-йўлакай елкамни қояларга тираб, бир маромда бораётганимда орқарокда келаётган "ёшлар" менга етиб олишиб, илгарилаб кетишди. Оддий пайтлар бўлса борми, асабийлашар, бор кучим билан ҳаракат қилиб ўзиб кетардим. Аммо бугунги кунги шиорим биринчилик эмас, нечанчи ўринда бўлса ҳам, чўққини забт этиш, шу боис барибир ўзиб кетолмайман, дея ўзимни босишга уриндим, қадамимни тезлатмадим.

Тонгги учлар чамаси, ой нури заифлашгач, юлдузлар шодаси энди қоронғи осмонда яққол кўриниб турарди. Ҳансираб нафас олаётганимдан юрагим қинидан чиққудек аҳволда, аммо юлдузларнинг бу каби мафтункор манзарасини биринчи маротаба кўриб тургандим.

Қояда озгина ўтирай десам, шерга ўхшаш йўл бошловчи кетдик, деб мажбурлади. Изғирин-шамол эсиб турган жойда бир дақиқа ўтириш азоб, юриш эса, икки баробар азоб эди. Бу гапимни 100 марта тўғри дейишларим аниқ. Шошираётган йўл бошловчига қараб жаҳлим чиқди, корейсчалаб бақирдим.

— Тушундим, аҳмоқ! Бунча шошасан, борсам бўлдими?

Тезда ёруғлик ортидан уфқ қизариб, зарғалдокрангга алмашгач, Шимоли-Шарқий Африкада тонгга ҳозирлик бошланди. Бу тонготар пайт жуда ёруғ, фонусни ўчирган тақдирда ҳам йўлни бемалол кўрса бўладиган даражада эди.

Эмаклагандай, ҳар 50 қадамда бироз тин олиб бораман, орқамга ўгириламан, соат сайин ўзгараётган қуёшнинг саҳаркез фусункор манзарасидан завқланаман.

Бу каби машаққатли, қийин вазиятда ҳам тонгги тароватни ҳис қила олишнинг ўзи — гўзаллик қийинчиликларни енгади дегани эди, назаримда.

**(Давоми бор.)**

**Корейс тилидан**
**РАХШОНА таржимаси.**

# ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Рустам шу даврда мактабда ҳам барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди. Айниқса, географияга қизиқиб қолди. У жаҳон харитасига қараб, истаган мамлакатнинг майдони қанчалигини ва аҳолиси сонини ёддан айта оларди. Қизиғи, йиллар ўтиб Рустам шоҳмот шарофати билан харитада кўрган кўплаб мамлакатларида бўлди.

Ўзбекистон шаъни, ўзбек халқи шарафи учун курашаётганини бир лаҳза ҳам унутмади. Рустамнинг мустаҳкам эътиқоди Президентимизга йўллаган миннатдорлик мактубида ўз ифодасини топди: **"Бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шоҳмот тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди"**.

Халқимизда: "Ёв қочса, ботир кўпаяр", деган мақол бор. Кескин

Лекин шу вақтда Лондон шаҳрида Адамс компьютерга 0,5:5,5 ҳисобида ютқазди. Ўз даврида Каспаров ҳам компьютердан 2,5:3,5 ҳисобида мағлубиятга учраган. Демак, Рустамнинг компьютер билан чиройли дурангга эришгани улкан муваффақиятлардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Афсуски, жавоҳирни оддий тош, мўъжизани оддий ҳодиса деб тушунадиганлар йўқ эмас. Уларга дунёни ҳайратга солган ўзбек мўъжизасини




**Рустам Қосимжонов 1979 йил 5 декабрда Тошкентда туғилган. 5 ёшдан шоҳмот ўйнайди. Пойтахтимиздаги 76-ўрта мактабда ўқиган, Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олган. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон (1990) ва Осиё (1994, Доҳа) чемпиони, жаҳон биринчилигида икки бор бронза (1994, Сегед; 1995, Гуарпуова) ва кумуш (1999, Ереван) медали соҳиби. Катталар ўртасида Ўзбекистон (1997, 2000) ва Осиё (1998, Теҳрон) чемпиони, жаҳон кубогида 2-ўринни эгаллаган (2002, Ҳайдаробод). Жамоа таркибида Осиё шаҳарлари клублари чемпионати ғолиби (1996, Дубай), Осиё чемпиони (1999, Шэньян), жаҳон шоҳмот олимпиадасида шахсий ҳисобда бронза медали билан тақдирланган (2000, Истанбул), Осиё ўйинлари чемпиони (2010, Гуанчжоу), Марказий Осиё кубоги ғолиби (2011, Тошкент). Кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб чиққан.**

**Халқаро гроссмейстер (1997). "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони (1998), "Ўзбекистон ифтихори" (2000) ва "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" (2011) фахрий унвонлари, Амир Темур ордени (2004) билан мукофотланган.**

**Шоҳмот бўйича 17-жаҳон чемпиони (2004 йил 13 июль, Триполи).**

Рустам шоҳмот билан астойдил шуғулланарди. У устози тавсиясига кўра тажрибали мураббий Сергей Пинчук машғулотларига қатнади. Ўйинлардаги вазиятларни кунт билан таҳлил қилиш ва мусобақаларда қатнашиш унинг малакасини оширди. Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионлигини ва жаҳон биринчилиги бронза медалини қўлга киритди.

1994 йили ёш шоҳмотчининг халқаро майдондаги муваффақиятлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан компьютер билан тақдирланди. Бундай рағбат Рустамни янада юксак парвозларга чоғлади. Уч йил ичида халқаро гроссмейстер талабини бажарди, қатор нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқди. Баъзан Рустамнинг муваффақиятлари сири нимада, дея ўйлайман. Тўғри, Рустам ўта зеҳнли, меҳнатсевар, тиришқоқ, мақсад йўлида қатъият билан олға интиладиган иродали шоҳмотчи. Лекин унинг эл-юрт олдидаги бурчини теран англаши, устозларига ҳурмати, кўрсатилган ғамхўрликларни чуқур ҳис қилиши ғалабаларининг асосий замини, десак янглишмаган бўламиз.

Биргина Триполида ўтган жаҳон чемпионатини эсга олайлик. 2004 йил 18 июнь — 13 июль кунлари Ливия пойтахтида ўтган жаҳон чемпионатига дунёнинг 128 нафар сара шоҳмотчиси тўпланди. Ўшанда Рустам жаҳон шоҳмот рейтингида 54-ўриндан жой олганди. Мусобақадан олдинги таҳлил натижаларига кўра, Рустамнинг жаҳон чемпиони бўлиш эҳтимоли 150 дан 1 қилиб баҳоланганди. Бундай тахмин бошқа қатнашчиларда қуйидагича эди: Александр Морозевич ва Веселин Топаловнинг жаҳон чемпиони бўлиш эҳтимоли 7 дан 1, Майкл Адамсники 10 дан 1, Александр Гришчукники 14 дан 1, Василий Иванчукники 16 дан 1, Найжел Шортники 22 дан 1 ва ҳоказо.

Албатта, бу тахминлар шоҳмотчиларнинг ўша кунгача бўлган натижалари асосида тахминий қилинганди. Лекин мусобақа пайтида шундай муҳим омиллар бўладики, уларни ҳар қандай замонавий компьютер ҳам баҳолашга ожиз. Бу — спортчининг метин иродаси, чуқур мулоҳаза юритиши, энг сўнгги имконияти қолгунча курашиши, ғалабага ишончи, ҳар лаҳзада Ватан, халқ шаъни учун мусобақага кирганини қалбан ҳис этиб туриши! Мана шундай муҳим омилларда жаҳон чемпионати қатнашчилари орасида Рустамнинг олдига тушадигани топилмади.

Ҳақиқатан ҳам, Рустам чемпионат давомида аждодларимизга хос теран ақл-заковатини намойиш этиб, мушкул вазиятларда ҳам ғалабага бўлган ишончини йўқотмади. Муҳими, у ўтган жаҳон чемпионатида Рустамнинг ҳалол ғалабасини тан олгиси келмаган айрим "мутахассис"лар мусобақага фалон-фалон гроссмейстерлар келишмади, дея айюҳаннос солишди. Ҳолбуки, Рустам чемпионат ўйинларида Александр Рамирис (Коста-Рика), Гаэм Магатэ (Эрон), Василий Иванчук (Украина), Золтан Алмаши (Венгрия), Веселин Топалов (Болгария) ва Майкл Адамс (Буюк Британия) каби таниқли гроссмейстерларни мағлубиятга учратди. Ҳолбуки, Иванчук 2004 йили ташкил этилган Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида Украинани чемпионлик сари етаклаб олган, Топалов эса нуфузли Линарес мусобақасининг охирги турида жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни енгиб, биринчи ўринни тортиб олган эди. Яна таққослаш учун маълумот: Рустам 26 кун давом этган чемпионатда бири-биридан масъулиятли 28 учрашувда мардона дона сурди. Шу вақтгача қийин ўтган чемпионлик учрашуви сифатида 1927 йилда бўлган Алёхин — Капабланка баҳсида 43 кун давомида 34та ўйин ўтказилган. Жуда асабий кечган дея баҳоланган 1984–1985 йиллардаги Карпов — Каспаров баҳсида 167 кунда бор-йўғи 48та учрашув ўйналган. Шундай экан, атиги 26 кунда 28та масъулиятли учрашувда ишончли дона сурган Рустам ҳар жиҳатдан жаҳон чемпиони унвонига муносибдир.

Вақт — олий ҳакам, деб бежиз айтишмаган. Рустам кўп ўтмай Испаниянинг Леон шаҳрида ўтган тезкор шоҳмот мусобақасида аввал Алексей Шировни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди (маълумот учун эслатишимиз керак, 2000 йилда Каспаров жаҳон чемпионлиги учун курашда Широв билан яккама-якка дона суришдан чўчиганди). Иккинчи босқичда ҳиндистонлик Вишванатан Анандни дастлабки ўйиндаёқ шундай чиройли мағлубиятга учратдики, бу ўйин шарҳи оммавий ахборот воситаларида зудлик билан эълон қилинди ва бу ғалаба мутахассислар томонидан юқори баҳоланади.

Рустам 2005 йилнинг охирида Нью-Йоркда "Ассопа" компаниясининг 9-авлод компьютерига қарши дона сурди. Бу ўйин кўплаб телеканаллар, интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди. Рустам учрашувнинг 37-юришида отни қурбон қилиш эвазига устунликка эришди. Бу комбинация барча мутахассисларни ҳайратга солди. Гап шундаки, ўз вақтида Каспаров компьютерга пиёдани ҳам қурбон қилиб бўлмайди, деган фикрни билдирган. Ўзбек шоҳмотчиси эса, пиёдани эмас, сипоҳини қурбон қилиб ўз устунлигини таъминлади. Мазкур ўйинда юришлар уч марта такрорланганининг учун дуранг натижа қайд этилди.

қалбда фахр-ифтихор билан қайта такрорлайман: Рустам Қосимжонов 17-жаҳон чемпиони!

Буюк бобомиз Амир Темур: "Ботир жангда билинар, доно машваратда", – дея лутф этганлар. Рустам ақл-заковат "жанг"ида ботирлигини ҳам, донолигини ҳам жумлаи жаҳонга исботлади. Яна Соҳибқирон бобомиз айтадилар: "Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган иморатларга боқинг". Халқимизнинг бой интеллектуал салоҳиятига шубҳа билан қарайдиганлар топилгудай бўлса, улар шоҳмот бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбек ўғлони Рустам кўрсатган мўъжизани таҳлил этишсин, хулоса чиқаришсин, дегим келади.

Одатда ғалабалар шодликларни бошлаб келади. Президентимиз Фармонига кўра, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг Ватанимиз юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирланиши қувончимизга қувонч қўшди. Ишончим комил, йиллар ўтиб, юксак марраларни кўзлаётган бугунги ёшларимиз орасидан ҳам жаҳон чемпионлари етишиб чиқади, уларни ҳам Ватанимиз, халқимиз бошига кўтариб шарафлайди.

Рустам Қосимжонов шоҳмотсевар болалар учун жуда муҳим қўлланма – «Шоҳмотнинг сирли оламИ» (2008) китобини ёзди, юртимизда шоҳмотни янада оммалаштиришга йўналтирилган тадбирларда фаол иштирок этаяпти, амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг 2008 йил Владимир Крамникка, 2010 йил Веселин Топаловга, 2012 йил Борис Гельфандга қарши ўйинларида мураббий-секундантлик қилди. 2010 йил Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган 16-Осиё ўйинларида тезкор шоҳмот бўйича ғолибликни қўлга киритди. 2011 йил Тошкентда Марказий Осиё кубоги ғолиби бўлди.

Рустамнинг муваффақиятлари юртимизда шоҳмотни янада оммалаштириш ва ривожлантиришга беқиёс ҳисса бўлди. Тошкентда Қосимжонов — Ананд ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Бу учрашув тафсилотлари юртимиздагина эмас, жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди. Тадбирнинг энг муҳим жиҳати бугун юртимиздан етишиб чиқаётган моҳир спортчиларимизни дунё тан олаётгани, қолаверса, дунёнинг энг кучли икки шоҳмотчиси иштирокида ёш шоҳмотсеварлар учун маҳорат сабоқларининг ташкил этилганидир. Аслида, бу учрашувнинг ўтказилиши бир мўъжиза. Унинг бутун дунёда кенг шарҳланиши эса, ўзбек мўъжизасига бўлган эътирофдир.

**Асрор МЎМИН**

**Куролли Кучларимиз сафига жисмонан етук, маънан баркамол ёшларни танлаб олиш, касб-ҳунар коллежларида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш, спортнинг техник амалий турларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчи-ёшлари ўртасида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари ва ҳарбий спорт ўйинлари намунали йўлга қўйилган. Илм ва ҳунар масканидаги ҳарбий таълим хонаси зарур замонавий ўқув қуроллари ва техник воситалар билан жиҳозланган. «Эл-юрт хавфсизлиги ва осойишталиги учун», «Миллий армиямиз — мустақиллик қалқони» каби стенд ва фотокўргазмалар ташкил этилган. Ҳар бир дарсни назарий ва амалий машғулотлар билан боғлаб, техника воситалари ва зарур кўргазмалар асосида ўтишга ҳаракат қилаяпмиз.

2011-2012 ўқув йилида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақаларига тайёргарлик ҳар қачонгидан ҳам қизғин тус олди. Ватан ҳимоясини олий шараф деб билган бўлажак аскарлар ўз маҳоратларини ошира бориб, мустаҳкам ҳарбий интизомдан тортиб, курол-яроғларнинг қўлланилишига қадар доимо шай туришни амалда кўрсатишга ҳаракат қилишяпти. Айниқса, жанговар қуролларнинг тузилиши, уларни қисмларга ажратиш, йиғиш ва қўллаш борасидаги билимлар синовида, жисмоний тайёргарлик, турникда тортиниш, югуриш, биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш бўйича мусобақаларда ўқувчиларимиз фаол иштирок этишди. Натижада, «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақаларида вилоятда 1-ўринни қўлга киритдик. 12 нафар ўқувчидан иборат «Турон» жамоаси «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгашининг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

# САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИ УЧУН

Чирчиқ шаҳрида кечган «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақасининг республика босқичида «Турон» жамоаси аъзолари ҳарбий топография, жанговар қуролдан нишонни мўлжалга олиш, қуролни йиғиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, фуқаро муҳофазаси каби 15та шарт бўйича беллашди. Жараёнда Бекзод Усмонов, Камолиддин Нарзиқулов, Индира Якубова, Сабина Азизова каби фаол ўқувчиларимиз ўз индивидуал қобилиятини ҳам намоён этишди.

Ўқувчи-ёшларнинг ватанпарварлик, интизомлилик, ирода ҳамда жамоатчиликка таяниш каби хислатларини шакллантиришда «Камолот» ЁИҲ етакчиси Шароф Ортиқов ва ЧЁТ фани ўқитувчиси, сержант Мустафо Ҳайитовнинг хизматлари катта. Ўқув даргоҳида эл-юрт хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашда чегара қўшинларида шартнома асосида ҳарбий хизматни мардона ўтаган «Жасорат» медали соҳиби, марҳум Кутлуғжон Раҳмоновнинг ёшларга ибрат бўларли ҳаёт йўли ҳақида «Чегара ҳимояси — олий шараф» мавзуида кўргазмали бурчак ташкил этилган.

Касб-ҳунар коллежимизда «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинлари мусобақалари ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. 2007, 2010 ва 2011 йиллари ўқувчи-ёшлар қаторасига «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика босқичида фаол иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллашди ва ҳарбий йўналиш бўйича чуқур билим даражасига эга эканлигини намойиш этишди. Шунингдек, жамоамиз 2010 йил ҳарбий йўналиш бўйича ўтказилган республика кўрик-танловида «Энг яхши таълим муассасаси» номинациясини қўлга киритди.

**Бахтиёр МИЛЛАЕВ,**
**Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ЧЁТ раҳбари, олий тоифали педагог, захирадаги катта лейтенант**

# «ЎЗБЕКИСТОН»
## нашриёт-матбаа ижодий уйи




























***«Ўзбекистон» НМИУ корхонаси ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:***

- **бадиий ва болалар адабиёти;**
- **ижтимоий-сиёсий адабиётлар;**
- **энциклопедиялар;**
- **рангли-безакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, манзил папкалари ва бошқалар);**
- **рақамланган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, чек ва рўйхатга олиш китоблари;**
- **халқ истеъмоли молларини (импорт ўрнини босадиган), жумладан, А4 ва бошқа форматдаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелярия китоблари ва бошқаларни ўзаро шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархда тайёрлаб беришини маълум қилади.**

*Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.*
*Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-87-55.*
*Факс: (3712)244-38-10, 244-37-81.*
*e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz*



**Ma'rifat**

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-718. Tiraji 33294. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: Hamza ABDULLAYEV.
Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.20
Topshirildi — 21.30

1 345